Mustaqil gazeta

HURRIYAT

14 - 20- mart
2001-YIL
11 (215)-son

HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQADI

1996 yil dekabrdan chop etila boshlagan

Тантана

БУГУН: “ОФАРИН” ЎЗ ЭГАЛАРИНИ ТОПАДИ!

Шундай, бугун мамлакатимиз маданий ҳаётида яна бир тарихий воқеа юз беради. “Халқлар дўстлиги” саройининг муҳташам саҳнасида минглаб томошабинлар (миллионлаб телетомошабинлар!) кўзи ўнгида ўтган йилнинг энг сара, энг фаол, энг ҳозиржавоб ижодкорлари нуфузли “Офарин” соврини соҳибига айланадилар!

Шодиёна тадбир арафасида Миллий матбуот марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Хайрулла Жўраев — “Офарин” жамғармасининг жамоатчилик асосидаги раҳбари:

— “Офарин” республикамиз жамоатчилиги томонидан таъсис этилган жамоатчилик жамғармаси. Маданий ҳаётимизда юз берган мутлақо янги ҳодиса. Гарчи у эндигина иккинчи марта ўтказилаётган бўлса-да, халқимиз орасида кенг оммалашиб улгурди. Бунда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати катта албатта. Бу йил танлов 3 асосий йўналиш бўйича гуруҳлаштирилди. “Адабиёт ва журналистика”, “Кино ва телевидение санъати” ва “Театр, мусиқа ва тасвирий санъат” йўналишлари бўйича. Ҳар бир гуруҳ ҳайъатига Наим Каримов, Ҳотам Файзиев, Баҳодир Йўлдошев сингари ўз соҳасининг йирик ва таниқли арбоблари етакчилик қилишди. Танловнинг бош ҳаками Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. Ушбу номларнинг ўзиёқ танлов ўтказишда бош мезон холислик бўлганидан далолат беради. Танловнинг ҳар бир номинацияси бўйича республикамизнинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистондан ижодий ишлар тақдим этилгани айниқса қувонарлидир.

Матбуот анжуманида кўплаб саволларга жавоб берилди. Жумладан:

Савол:

— Ғолибларни аниқлаш тадбири қанча вақтга мўлжалланган?

Жавоб:

— Тахминан 2,5 соатга.

Савол:

— Шодиёна оқшоми телевидениеда кўрсатиладими?

Жавоб:

— Албатта!

Воқеа

КОМПЬЮТЕР-МИРОБ

Шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Андижон вилоятидаги Пахтаобод канали сувининг бирон метри ҳам беҳуда исроф бўлмайди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан АҚШнинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ўртасида бор-йўғи олти ой илгари бошланган ўзаро ҳамкорлик натижалари ана шундай имкониятни яратди.

Табиий бойликлардан фойдаланишни такомиллаштириш лойиҳаси бўйича 40 км узунликдаги бу сув иншоотини автоматлаштириш ишлари шу йилнинг охирига қадар тугалланиши керак. Энди олтин баҳосидаги ҳар томчи оби ҳаёт оқимини кузатиш, назорат қилиш, тақсимлаш ишлари марказлаштирилган компьютер тизими зиммасига юкланади.

Кеча USAID нинг Тошкентдаги ваколатхонасида ана шу техника воситаларидан фойдаланувчи мутахассисларнинг ўқув семинари иш бошлади.

Ана шунақа гаплар. Хайр Мироб бобо, салом... компьютер!

МУХБИРИМИЗ

Хабар

“ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН”

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг марказий кўргазмалар залида Бадиий Академия, Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда “Оналар ва болалар” йили муносабати билан ташкил этилган “Қўли гулдир ўзбек аёлин” Республика кўргазмаси очилди.

Кўргазмада диёримизнинг барча вилоятларида яшаб ижод этаётган рангтасвирчи, шунингдек қўли гул ҳунарманд аёллар ўзлари яратган асарлари билан иштирок этишди. Маросимнинг очилиш қисмида Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова сўзга чиқиб, барчани яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан самимий қутлади.

Залда намойиш этилган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик бўйича энг яхши асарлар ташкилий қўмита томонидан юксак баҳоланди. Бухоролик ҳунарманд аёллар — М.Фармонованинг зардўзлик буюмлари ва З.Оллобердиеванинг каштачилик ишлари энг нафис ишланган экспозиция деб топилди. Рангтасвирчи Ш.Абдуллаева, Р.Гаглоева, графика рассомлари Лайло ва Феруза Башарова, амалий безак усталари фарғоналик Л.Семизорова ва бухоролик Н.Қўзиева, шунингдек кўғирчоқлар устаси Т.Умарова, қўл каштачилиги бўйича О.Харитонованинг ишлари ҳам мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди.

11 нафар рассом ва ҳунарманд аёлга диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Наргиза АҲМЕДОВА

Мактуб

НИЯТ

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги чекка бир қишлоқда ўқитувчи бўлиб ишлайман. “Ҳуррият” газетасини ҳар ҳафтада талабалар орқали оламан (Тошкентдан олиб келишади).

Менга жуда маъқул, шунинг учун қолган ойларга обуна бўлмоқчиман. Келажакда ҳамкорлик қилиш ниятим ҳам бор.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ фотоси



ДУНЁ ТОМИ УЗРА ЧАЛИНДИ БУ СОЗ

11 март куни Вашингтондаги Кеннеди маданият марказида машҳур раққоса Қизлархон Дўстмуҳамедова раҳбарлигидаги “Муножот” рақс ансамблининг концерти бўлиб ўтди

Қизлархон Дўстмуҳамедованинг шогирдлари ўзбекнинг ғурури бўлган ва бутун жаҳон тан олган машҳур раққоса, мураббий Мукаррама Турғунбоева ташкил қилган ғўзал “Баҳор” ансамблининг навқирон йилларини эслатди.

Ўртакаш инглиз тилида эълон қилган “Бухоро рақси”ни ҳашаматли саройни тўлдириб ўтирган инглизлар гулдурос қарсаклар билан олқишлади. Машҳур доирачилар уста Олим Комилов ва Қаҳрамон Дадаев изидан бориб, доирачилик санъатини мукаммал эгаллаган шогирдларнинг ҳар бир чиқиши америкаликларни лол қолдирди.Ижро этилаётган мусиқа эса санъатнинг бу жанрини дирижёрсиз тасаввур қилолмайдиган ғарб мусиқа мухлисларини таажжубга солди. Ўзбек санъаткорлари ва айниқса раққосаларнинг миллий кийимлари, миллий маданиятимиз ҳамда классик санъатимизнинг нақадар юқори даражада эканлигини янада тасдиқлади.

Саккиз нафар гўзал қизларимиз ижросида “Самарқанд рақси,” “Лазги,” “Тановор” ва “Чўпон” рақслари томошабинларни ҳаяжонлантириб юборди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши республикамиз вилоятларини мусиқаталабларга рамзий жиҳатдан тақдим қилгандек бўлди.

Биринчи марта 1948 йилда қўйга солинган “Алла” қўшиғини куйлаган ҳушовоз хонанда З.Сафтархонова эса қўшиқ санъатининг ҳақиқий устаси эканлигини океанортидагиларга кўрсатиб қўйди. Концерт сўнгида саройни тўлдириб ўтирганларнинг қарсаги ва олқишлари зал гумбазлари остида узоқ жаранглаб турди. Қизларимиз ўзбек миллий рақс санъатининг ривожланиб бораётганини ва тараққий этаётганини йиғилганларга маҳорат билан исботлади.

“Озодлик” радиоси хабари асосида тайёрланди

Менинг деҳқон элим, қадоқ қўл элим,
Умид гулларин соч тупроғларингга.
Бойчечак кўзида кулган соғинчдай—
Наврўз келаётир дил боғларингга.

Бинафша баҳорнинг парирўй қизи,
Не сирлар битилмиш япроғларингга.
Сен унинг пойига кўнглинг тўшагин
Наврўз келаётир гул боғларингга.

Эй, боболар изи тушган ҳур қирлар,
Қизғалдоқни босгин дил-боғларингга.
Бир муҳаббат бўлиб, бир меҳр бўлиб
Наврўз келаётир қучоғларингга.

О, кўзи кўклардан ёруғ болакай,
Тонглар жавоб берсин сўроғларингга.
Қарагин саҳардай дилбар, мунаввар,
Наврўз келаётир дил боғларингга.

Кўҳна юртим менинг, улуғ даргоҳим,
Турналар қайтмиш дил қароғларингга.
Энг гўзал кунларнинг сурурин бошлаб
Наврўз келаётир қучоғларингга.

Дилмурод ҚОСИМ

“Мустақиллик кубоги”

КУРАШСЕВАР ЎЗБЕГИМ

Ўзбек курашининг халқаро мақом олиши, Осиё ва жаҳон чемпионатларининг ўтказилаётгани ёшларнинг жисмоний ва баркамол бўлишлари йўлида қилинаётган ҳаракатларимизнинг зое кетмаётганидан нишонадир. Бор-йўғи бешинчи марта уюштирилган “Мустақиллик кубоги” учун курашга Гран-при мақомининг берилиши ҳам юртимиз довруғининг ошишида муҳим аҳамият касб этди.

— Дунёда спортнинг эркин, юнон-рум тури

Абдуғани ЖУМА фотолари

бўйича қарийб 150 та мусобақа ўтказиб келинади. Ҳозирча ана шу туркумдаги баҳсларни Гран-при тарақасида ўтказишга (бешта мамлакатга) рухсат этилган, — дейди республика спорт курашлари ассоциацияси президенти, ФИЛА ижроқўми аъзоси Аҳрор Рўзиев.

Дарвоқе, мухлислар ўртасида афсонавий курашчи номини олган кўп марта олимпиада ва жаҳон чемпионатларининг минсклик Александр Медвед билан россиялик Александр Карелин Тошкент мусобақасини юксак баҳолашди. ФИЛА президенти Милан Эрцеган: “Тошкент мусобақаси ташкилий жиҳатдан юқори савияда уюштирилгани билан халқаро ташкилотимизнинг ўзига хос таянчи бўлиб турибди” деб эътироф этди.

Бу сафарги мусобақада ёшларга кўпроқ эътибор қилинди. Сабаби, шу йил ёзда Тошкентда эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон терма жамоасининг икки тартибда — ёшлар ва катталар ҳисобида майдонга туширилишининг сабаби ҳам шунда. Спорт саройи саҳнига тўшалган учта кураш гиламида 350дан ортиқ беллашув бўлиб ўтди. Муросасиз баҳслардан кейин финалчилар аниқланди. Маълумки, мухлислар ана шу ҳал қилувчи учрашувларни сабрсизлик билан кутадилар. Зеро, мутахассисларимиз умид боғлаган ўнлаб ёшлар кўздан кечирилди, уларнинг имкониятлари чамалаб кўрилди.

Энди ғолибларни аниқлаб берувчи финал беллашувлари ҳақида икки оғиз сўз. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мусобақа арафасида ўтказилган матбуот йиғилишида мухбирларнинг саволларига жавоб берган мутахассислар бор-йўғи битта олтин медалга эга бўлишимиз мумкин, деган мулоҳазани айтишган эди. Ҳаммаси майдонда аён бўлади деганларидек, курашчиларимиз бундай тахминга жавобан оз эмас, кўп эмас олтита медаль билан ишқибозларни ҳайратга солдилар. Жумладан, Дамир Захариддинов 58 кг вазнли полвонлар сафида майдонга тушиб, якунловчи беллашувни белорус Александр Карнинскийга қарши олиб борди. Курашчимизнинг машҳур полвон Арсен Фадзаев усулидан фойдаланган ҳолда беллашиши кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Унинг рақиби оёғидан маҳкам тутиши очколар ҳисобида олдинга олиб чиқди ва ғалабани таъминлади. Дамир эркин кураш бўйича ана шундай муваффақиятга эришган бўлса, юнон-рум кураши бўйича яна бир вакилимиз Дилшод Орипов ҳам ажойиб ғалабага эришди. У қирғиз курашчиси Исломиддин Умрзоқовни даст кўтарганча гир айлантириб, гиламга уриши олқишларга сабаб бўлди.

Дилшод 11:0 ҳисобида соф ғалабага эришди. Ғолибларни шарафлаш чоғида полвонларимиздан Дилшод Мансуров, Аслан Санакоев, Руслан Биктяков, Евгений Ерофайлов ҳам юзлари ёруғ ҳолда қўлларини баланд кўтариб, тегишли мукофотларга сазовор бўлишди.

Қолган вазнларда қирғизистонлик Юран Калилов, россиялик Игорь Чечемов ва Александр Безручкин, грузин Георгий Жинтчелашивили, Миран Георгадзе, Элдар Кутивадзе, Риваз Миндарашивили, Давил Лежава ҳамда озарбайжон Элмон Аскеров ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди.

...Юртимизда эзгуликларнинг рўёбга чиқарилиши аввало барқарорликдан, қолаверса, ёшларимиз кўнглида мардликка, тантиликка ва холисликка ошуфталик борлигидан нишонадир. Ўйлаймизки, ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати ҳам ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига мос ва хос бўлади.

Мирзо АНВАР

Рисола

ЖУРНАЛИСТ ҲУҚУҚИ

“Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак”.

Ислом КАРИМОВ

Юртимиз мустақилликка эришганига ҳадемай ўн йил тўлади. Ана шу йиллар ичида мамлакатда бошқа барча жабҳаларда бўлгани каби журналистика соҳасида ҳам босқичма-босқич, ҳаётбахш ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг яқин ўтмишида тамомила ягона мафкура қуролига айлантирилган, ўз миллий заминидан узилган, бирламчи манбалардан холис ва тезкор ахборот тўплаб тарқатиш имкониятлари чекланган матбуотнинг, радио ва телевидениенинг, бошқа ахборот воситаларининг истиқлол йилларида жамият ҳаёти ва фаолиятидаги, демократик тараққиёт йўлидаги аҳамияти кескин ошди.

Жамиятни демократлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида янгича тафаккур ва онгни шакллантириши, кишиларнинг фикр ва ҳоҳиш-иродасининг эркин ва холис ифодачисига, инсон манфаатларининг изчил ҳамда фаол ҳимоячисига айланиши, шунингдек, мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам ғов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариши, ислоҳотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши, бошқача айтганда, ўзини “тўртинчи ҳокимият” сифатида намоён этишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилгани эътирофга муносибдир.

Биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларининг янги жамиятга мос ҳуқуқий пойдеворини барпо этишга эътибор қаратилди. Хусусан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бутун бир боб ва моддаси (XV боб, 67-модда) оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолиятини қонунийлаштиришга қаратилди. 1997 йилда мамлакат оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари бўлган учта муҳим қонун ҳужжати — “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари амалга киритилди. Бир қатор халқаро битимлар ва конвенциялар ратификация қилинди.

Айни чоғда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ҳамда бевосита журналист касбий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш амалиётига нисбатан, ана шу ҳуқуқий асослар тадқиқоти ва тарғиботига бағишланган илмий-назарий соҳа анча ортда қолаётганини кузатиш мумкин. Шу маънода таниқли қаламкаш Карим Баҳриев томонидан Ўзбекистон ҳудудида журналистлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга эркин илмий-амалий шарҳлар тайёрланиб, “Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти” номли рисола сифатида китобхонларга тақдим этилганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Янги рисолада, даставвал, оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий база шартли равишда учга — халқаро меъёрлар, конституциявий меъёрлар ҳамда қонунлар ва қонуности ҳужжатлар меъёрларига бўлиб таснифланади. Бу меъёрларнинг ҳар бирига атрофлича таъриф берилади.

Сўнг журналист ҳуқуқлари, хусусан, журналистнинг шахс дахлсизлиги ҳуқуқи, сир сақлаш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи ва имконлари, журналист ҳуқуқларининг ижтимоий аҳамияти, шунингдек, журналистнинг касб мақоми, касб мажбуриятлари ва масъулияти, касб фаолиятининг кафолатлари каби масалалар алоҳида-алоҳида сарлавҳалар остида шарҳланади. Муаллиф ана шундай ўнлаб ҳуқуқий тушунчаларга тўхталиб, уларни ҳаётий мисоллар асосида, содда ва равон тилда изоҳлайди.

Шарҳларга иқтибос сифатида Амир Темур, Абу Қосим Маҳмуд Замахшарий, Фирдавсий, Ғаззолий, шунингдек, В.Шекспир, Волтер, М.Монтен каби машриқ ва мағрибнинг машҳур давлат арбоблари ҳамда фозилу донишларининг ҳикматли сўзлари, мағзи тўқ фикрларидан унумли, айни чоғда, жўяли фойдаланилган. Натижада асарнинг нафақат илмий, амалий, ҳуқуқий, балки адабий-фалсафий қиммати ҳам сезиларли даражада ошган.

Рисолага Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлари матни тўлалигича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, бошқа бир қанча қонунлар, кодекслар ва меъёрий ҳужжатлардан, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт матнидан тегишли парчалар илова қилинган.

Муаллиф жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ранг-баранглиги ва уларни эркин ифода этиш, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳамда давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқларини таъминлаш каби ислоҳотларимизнинг бугунги босқичидаги долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар ҳақида тўхталар экан, бу борада оммавий ахборот воситаларининг чинакам “тўртинчи ҳокимият”га айланиши нечоғлик муҳим эканига алоҳида урғу беради. Хусусан, рисолада қайд этилганидек: “Демократик жамиятда ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат ишга, ижрога таъзим қилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — демократияга, суд ҳокимияти қонунга таянади. Бу уч ҳокимият бир-бирига назоратчидир, айни пайтда улар “тўртинчи ҳокимият”га — ҳақиқат ҳокимиятига муҳтождир, зеро ҳақиқат йўқ ерда иш ҳам, демократия ҳам, қонун ҳам бўлмайди”.

Журналистлар учун қисқача юридик маълумотнома сифатида тайёрланган ушбу рисола оммавий ахборот воситалари вакилларига соҳага доир қонун ҳужжатлари қоидаларини тўғри қўллаш, ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишдан иборат касбий ваколатларидан самарали фойдаланиш жараёнида ҳуқуқ бўйича яқин кўмакчи ҳамда маслаҳатчи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғулом МИРЗО,
Давлат ва жамият қурилиши магистри

КИТОБ ҲАҚИДА: “Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти” рисоласига юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов илмий маслаҳатчилик қилган. Тақризчилар — юридик фанлари номзодлари Омон Оқйўлов ва Фарҳод Тоҳиров, масъул муҳаррир — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти Кудрат Эрназаров. Рисола Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Интерньюс-Ўзбекистон халқаро ташкилоти қўллаб-қувватлаши билан 2000 йилда “Фан” нашриёти томонидан нашр этилган.

Фельетон

13 ХЎЖАЛИККА 37 РАҲБАР...

Ёки уч йилда шунча ўзгаришни амалга оширолган раҳбарнинг "илғор тажрибаси"га бадиа

"Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар — барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор".

Ислом КАРИМОВ

Айрим одамларга ҳайронсан: бўш қолдими, кимнингдир устидан ёзишга тушади. Бундай "холис"лар ўзларига ўхшаган бекорчилар устидан ёзса, гўргайди! Қаёқда, уларнинг "қаҳрамон"лари фақат ва фақат ишлаётган амалдорлар...

Сайҳунободда бекорчилар кўп шекилли, шикоятбозлик мусобақасида яқин келажакда улоқни қўлдан берадиганга ўхшамайди. У ерлик "ёзувчи"лар майда-чуйда нарсалар, айтайлик, тиббиёт тизимидаги нобопликлар, аҳоли ижтимоий ҳимояси ёинки жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани ҳақида қалам йўниб ўтиришмайди. Чунки бу ҳақда қулоч-кулоч шикоят ёзишмасин — ўзгариш бўлиши даргумонлигини билишади-да! Шу боис вақтни беҳудага сарфламай замонамиз қаҳрамонларининг "портретига чизгилар" беришади. Замонамизнинг қаҳрамонлари ким?

Ким бўларди, ҳамманинг кўз ўнгидагилар — ҳокимлар-да!

Осилсанг, баланд дорга осил, оёғинг ерга тегмасин!

Сайҳунобод туманига Султон Раҳмонқулов ҳоким бўлиб келганига эндигина уч йилу уч ой бўлди: "боевой" одам, ғайратини ар-ра-анг жиловлаб турадиган раҳбарлардан. Сайҳунободга келгунча қўшни — Боёвутда бир ширкат хўжалиги раҳбари эди. Раисликдан бир сакраб ҳоким бўлганини кўпчилик кўролмаяпти, яна бир сакраса янаям юқорироқ курсини минволади деб ўйлашса керак-да, хумпарлар.

У киши бировнинг арпасини хом ўрмаган, буни давлатга ғалла топшириш режасини нечоғлик уддалаётганидан билса ҳам бўлади. Бироқ, устидан ёзилган шикоятлар салмоғига қараб, бемалол ва бедаллол Сайҳунободнинг яқин тарихи ҳақида китоб ёзса бўлади!

Қойил қолиш керакки, тинимсиз ёзилаётган шикоятлар алп қоматни дол қилганича йўқ: каллани мўлжаллаб отилаётган тошлар саллани чувалатяпти, холос.

Нима эмиш, кадрларни бамисоли пайпоқдек алмаштиргани-алмаштирган! Вой маърифатсизлар-эй, вой қиziталоқлар, нима, билмайсанми, ҳар қандай янги раҳбар ўз командаси билан ишлашни хоҳлайди, ахир! Ана, АҚШнинг янги Президенти, давлат тепасига келдию, ҳамма амалдорларни янгилашга киришиб кетди, биров "гинг!" дегани йўқ.

Ҳа, донишмандлар тўғри айтган: ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади! Минг қўшчига бир бошчи ҳамма ерда керак!

Аммо-лекин сайҳунободлик шикоятчи буни билмайди, билсаям тан олгиси келмайди, яккаш битта рақамни қайтаради: **ҳоким уч йилу уч ой ичида 13 та хўжалик раҳбарини 37 марта алмаштирган!**

Сўнг мисолларни қалаштиради денг: "Ғалаба" хўжалигига немис тили ўқитувчиси Назира Ғаниевани раис этиб тайинлади!"

Нима қипти? Аввалги раислар раҳбарнинг тилини билмагандирки, хўжаликка тил биладиган аёлни раҳбар қилиб қўйибди. Ахир — немис тили ҳам жаҳон миқёсида сўзлашиладиган забонлар сирасига киради! Тил билган — эл билади. Ўзинг тилни билмаганинг етмагандай, биладиганни кўролмайсанми, номард! Эвини қилсанг ўрган, топ ўша тилни... "Тил топиш" шундаки, 2000 йил апрелда хўжалик иш ҳақи ва ижтимоий тўловлардан 61 миллион сўм қарзи борлигига қарамасдан "Ҳашар" фондига кўзни чирт юмиб 1 миллион 6 минг сўмни ўтказиб юборди. Мардлик-да!

"Қ.Султонов номли хўжаликка АЕҚШда ишлайдиган Йўлдош Фахриддиновни раис этиб тайинлади!"

Нима бўлибди, осмон узилиб ерга тушибдими? Ахир АЕҚШда бензин сотилади, бензинни, нефтни "қора олтин" дейдилар, олтинга тенг одамлар ҳар ерда керак. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

Тағинам инсоф бор экан: уч йилу уч ойда 37 марта раис алмашди, 32 нафар раҳбарни шахсан ўзи ишга тавсия этиб, кейинроқ ўз ташаббуси билан вазифасидан четлатди, дея айюҳаннос солишдан аввал жичча ўйлаб кўрсинлар: Ж.Умрзоқов, А.Ташанов, У.Улашовни бирров ишдан олиб, яна раҳбар этиб тайинлади, яна ишдан олиб, тағин етакчилик лавозимига қўйди! Айни шу ҳолат ҳам кўрсатиб турибдики, шикоят қаҳрамони маърифатли инсон, Островскийнинг "Пўлат қандай тобланди?" романини кўп ва хўп ўқиган. Буни раҳбар кадрлар тимсолида кенг амалиётда қўлламоқдаларки, бу ўзининг аж-жойиб самаралари бермоқда. Яъни, ҳеч қайси раҳбар каттадан норизо эмас, бугун раисликдан олинса, эртага бошқа хўжаликка раҳбар этиб тайинланишини дилдан ҳис этадилар. Қорин ҳам тўқ, қўйлар ҳам омон!

Шу боис "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмаси раиси Х.Жўраев вилоят шифохонасида даволаначётган пайтда жамоа аъзоларига "раис ишдан бўшаш тўғрисида ариза берди" дея вазифасидан четлатилганидан фожеа ясаш керакмас. Ахир раҳбар ҳам — инсон, унинг ҳам ҳазиллашгиси келади. "Бирлашган" ширкатлар уюшмаси раиси Ф.Аҳадовга ҳам шундай усул қўллаганиям тўғри тушуниш лозим, ёлғон ахборотларни дастак қилволиш ярамайди, азизлар. Ҳаммага бир хил гап топиш қийин, рост гап тугаб қолганда андек ёлғон гапиришнинг зиёни йўқ. Савоб — ёлғон, деган мақол бекорга тўқиб чиқарилмаган.

"Хотин-қизлар масаласига панжа орасидан қарамоқда, ҳатто туман хотин-қизлар қўмитаси раисаси — ҳоким ўринбосари ўрни бир йил бўш турди", деб ёзишибди. Бекор гап. Ана, деҳқон қизи Нажиба Деҳқонова раислик курсисига ўтқазилди-ку. Тўғри, опа бор-йўғи саккиз ой ишлади ва ҳеч бир сабабсиз вазифасидан озод қилиниб, бошқа иш билан таъминланмади. Опахондан сўнг раисликка ўтирган эркак хўжаликнинг уйини куйдириб, банкрот қилгани — бошқа масала. Муҳими, раисанинг ишлагани...

Тинмагур шикоятчилар раҳбарни қўшиб ёзишда айблашади. Нима қипти? Эл-раиятнинг руҳини кўтараман деб шу ишни қилса қилгандир-да. Баҳонада туманнинг телевизор-радиода, газеталарда кўкларга кўтариб мақталгани қолди. "Режа бажарилди!" деб ўтказилган данғиллама тўйнинг улкан харажатлари эса хўжаликлар, корхоналар, фермерлар ҳисобидан бўлди. Яъни, тадбиркор инсон сопини ўзидан чиқарди. Тўғри, республика прокуратураси ўтказган текширув натижаси соддароқ одамни довдиратиб қўйиши мумкин. Яъни, 1999 йили туман пахта тайёрлаш режасини 88,45 фоизга адо этгани ҳолда "Бажардик" деб рапорт бериб юборилган. Қўшиб ёзиш "бор-йўғи" 11,55 фоизни ёки 4592 тонна пахтани ташкил этган, холос. Нима, шуям проблемами?!

Қўшиб ёзиш фош этилган бўлса бордир, илло бунга ҳокимнинг "вообще" алоқаси йўқ. Хўжалик раислариниям. Агар алоқаси бўлганда эди, туман статистика маркази ҳисоблаш ишлари бошлиғи И.Қоракуловга қўшилиб жавобгарликка тортилмасмиди?! Бўлиб ўтган тергов, суд мажлислари И.Қоракуловга жуда қимматга тушди. Оллоҳнинг иродаси экан, у киши яқинда омонатини топширди. Ҳоким бува эса Қоракуловнинг вафотига оид урчиб-бижғиб кетган миш-мишларга парво ҳам қилмасдан, марҳумнинг руҳи-покига ҳеч кимга билдирмай дуолар ўқиб юрибди.

Вафодорлик, садоқат бундан ортиқ бўлмас?!

Ободончилик ишларини кўролмайдиганлар ҳам кўп экан. Туманда "Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг!" деган ибратли гапдан ўзига тегишли хулоса чиқариб олинган. Бу хулоса шундай: эски бинолар ҳамма ёқни эгаллаб турган бир пайтда янгисини қаерга қураман?

Шу боис, Сайҳун шаҳарчасидаги, яна айрим хўжаликлардаги ёрдамчи бинолларни ёппасига буздириб ташладилар. Жумладан, тумандаги собиқ ижроқўм биноси, Меҳнат биржаси, саноат хонасидаги дўконлар ва ҳоказо.

Буларнинг ўрнига замонавий, кўркам бинолар қуриш мақсадида "Ҳашар" деган жамғарма ташкил этилдики, кўпгина ташкилотлар бир сўзни икки қилмай, жамғарма ҳисоб-рақамига баҳоли қудрат маблағ ўтказишди. "Ҳашар"га янги бино, янги раҳбар танлашнинг ҳам йўли топилди: яъни, жамғарма туман коммунал хизмат кўрсатиш бўлими қошида ташкил этилди. "Ҳашар"нинг ишларига умумий раҳбарлик қилган ҳолда, ёзди-ёздилар бўлим бошлиғи Ю.Саъдиев зиммасига юкланди.

Натижа ёмонмас: "Ҳашар"га туширилган маблағлар ҳисобидан ободонлаштириш ишлари... ҳокимият биносидан бошланди. Бинонинг иккинчи қавати биринчи раҳбар, унинг ўринбосари ва ёрдамчиси қулайроқ ишлаши учун мослаштирилди. Бунга ўн тўққиз миллион сўм у ёқ-бу ёғида маблағ сарфланди, холос. Бу билан ҳокимиятга арз-дод билан келадиган фуқаролар учун яхши шароит яратилганини алоҳида қайд этиш керак. Қайта таъмир ишларини "Иверия" деган хусусий корхонанинг қўли гул азаматлари амалга оширдилар...

Бу ёкда Нодира кўчасидаги 10 сотихдан ортиқ саҳнни эгаллаган камтарона ҳовли ҳам битай-битай деб қолган. Агар шикоятчилар ёза-ёз қилиб, ишнинг белига тепишмаганида эди, аллақачон майда таъмир ишлари ниҳоясига етиб, фойдаланишга топширилган бўларди.

Ахир ўйлаб қаранг, раҳбар темир эмаски, ҳар куни 80—90 чақирим йўл босиб, Боёвутдан қатнаса! У кишига раҳмат, ҳанузгача туман коммунал хўжалик бўлимига қарашли ётоқхонада ўзига хизмат кўрсатувчи 2 нафар ҳайдовчиси билан яшаб келмоқда. Ҳайдовчилардан бири бюджетдан, иккинчиси хўжаликлар ҳисоби бўлимидан маош олади. Ҳоким миниб юрган "Пахтакор" ширкатлар уюшмасига қарашли "ГАЗ-31" автомобили хўжаликка 450 минг сўмлик харажат-зарар юклади. Сабаби, ҳокимликка қарашли енгил автомобиллар ҳоким ўринбосарига, архитекторга, бўлим мудирига, "Жип" автомобили эса ҳоким ҳозирча "меникимас" деб турган ҳашаматли уйнинг қоғоздаги "эгаси" Болтабоевга сувтекинга хусусийлаштириб берилган. Машиналар йўқ бўлгандан кейин, нима, пиёда юрсинми биринчи раҳбар?.. Меҳмонхонада кунига икки-уч мартадан иссиқ овқат қилинади. Шунга яраша масаллиқлар миқдори ҳар куни 10-12 минг сўмни ташкил этарканки, бу арзимас нарсаларни хўжалик ва ташкилотлар бажонидил зиммасига олган.

Умуман, кейинги пайтларда ҳоким биров тугул, ўзи ишониб қўйган кадрларга нисбатан ҳам ишончини йўқотган. Боёвутдан ўзи етаклаб келган Ж.Муродовга "Работ" хўжалиги раислигини берганди, бир йилга етиб-етмай мансабини суиистеъмол қилгани учун жавобгарликка тортилса бўладими!

Ш.Раҳматов-чи? "Янгиобод" деҳқон хўжаликлари бирлашмасига тарозибон қилиб қўювди. Бунинг ҳам иши билан орган ходимлари қизиқиб қолишибди.

"Пахтакор" ширкатлар уюшмаси раиси Фозил Алимов эса "шоли операцияси"ни уддалай олмай ҳибсга тушиб қолди қурмағур.

Туриб-туриб пўртлаб кетай дейди, боёқиш: ишонган кадрларинг қовун тушираверса, юзинг ерга қараб қоларкан. Бу раислар ҳеч тушунишмади-да, ахир ишлаб турган, айниқса, режаларни бажариб турган раислардан аризасини олиб, ўрнига ўз одамини қўйиш осонми?! Гоҳ ёлғон гапиришга мажбур бўласан, гоҳ вилоят ҳокимлигининг йўқ кўрсатмасини дастак қиласан...

Ёзаман десак гап кў-ўп. Бироқ у киши бизнинг ҳимояга муҳтож эмаслар, ҳимоячилари керагидан зиёда. Шу гап ростдирки, шикоятлар бўронидан эсон-омон Янги асрга ўтиб олдилар. Даъволар эса тугамаяпти.

* * *

...Ёзувни шу ерда тугаллаб, журналистик одоб ва адолат юзасидан бу воқеаларга қаҳрамонимизнинг муносабатини билиш мақсадида Сайҳунободга бордик. Ҳоким бир хўжаликда йиғилиш ўтказгани кетган экан. Кутдик. Тушдан сўнг Султон ака билан унинг кабинетида юқорида зикр этилган факт ва далиллар юзасидан бафуржа суҳбатлашдик. Агар у киши айрим фактлар бўйича ишонарли қарши далиллар, исботлар келтирса, уни ёзувдан чиқариб ташлаш ниятимиз бор эди. Йўқ, бунақа бўлмади. Айтилган "қарши" гаплар шунчаки гапдан нарига ўтмади. Хусусан: хўжаликка кадрлар тайинлаш масаласи вилоят ҳокимлиги номенклатурасида эмиш, ҳамма "олдиқўйди"лар улар билан маслаҳатлашилган эмиш; раис Жўраев ўз аризасига биноан ишдан бўшаганмиш; Ташанов "Гулистон"да ишлаб турган вақтида "Янгиобод"га ўтказилганмиш, фақат орада "озгина" беиш юрганмиш; Жўравой акани вилоят ҳокимлигидан "олиб ташла" деб айтишгани учун "олинган" экан, сўнг Маҳмуджон ака касаллиги туфайли ишдан кетгач, у яна ўрнига тикланганмиш; Улашовнинг ўрнига қўйилган одам ишни эплолмагач, у қайтиб ўрнига қўйилганмиш; Аҳадов жамоа олдида ўзи "мен ишламайман" деганмиш; "Приписка"ни вилоят прокуратураси кўриб чиқиб "ўзлаштириш" топмабди, буни "статистика"нинг ўзи хўжалик раҳбарларининг илтимоси билан қилибди, ҳокимнинг хабари йўқмиш; ҳокимлик биносини таъмирлашга 19 миллион сўм сарфланганини аниқ билмасмиш; Сайҳунободда Султон аканинг уйи йўқмиш (ҳужжатлар эса борлигини тасдиқлайди — **муаллифлар изоҳи**)...

Хуллас, шунақа гаплар. Бу гапларга эса, кўриб турганингиздек, изоҳнинг ҳожати йўқ. Демак, фельетонни чоп этаверса бўлади.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
Турсунали АКБАРОВ

P.S. Кеча айрим фактлар бўйича яна бир аниқлик киритиш мақсадида вилоят ҳокимлигига кўнғироқ қилган эдик, ўтган ҳафтада туман Кенгашининг сессиясида ҳоким Султон Раҳмонқулов эгаллаб турган лавозимидан бўшатилганини маълум қилишди.

Мавзу

ЭСКИ ҚОЛИПДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

Инсон янгиликсиз яшай олмайди. Ҳар бир жараён ҳақида билгиси, эшитгиси келади. Янгиликларни етказишда эса телевидениечалик таъсирчан восита бўлмаса керак. Хўш, шундай экан, бугунги тележурналистиканинг савияси қандай? Телевидениенинг техник базаси, ижодкорларнинг иш фаолияти қай даражада? Келинг, шу саволга Қорақалпоғистон Республикаси Давлат Телерадиокомпанияси мисолида жавоб беришга уриниб кўрайлик.

Телевидение ўз ишини 1964 йили Нукусда бошлаган эди. Шу вақт давомида телевидениеда анча ижобий ўзгаришлар бўлди. Муҳими, қорақалпоқ журналистлари бу орада ўз мухлисларини топди. Дастурлар дам олиш кунлари кундузи соат 12 дан ярим кечагача, бошқа кунлари 19.00 дан 00.00 гача эфирга узатилади. Кўрсатувларни Хоразм, Қозоғистон ва Туркманистоннинг айрим ҳудудларидаги аҳоли ҳам томоша қилишади. Кўрсатувлар қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида тайёрланади. Телевидениеда юзга яқин турли соҳадаги ходимлар ишлашмоқда.

Истиқлолдан сўнг Қорақалпоғистон телевидениесида ишга муносабат анча ижобий томонга ўзгарди дейиш мумкин. Теледастурларнинг эфир вақти 3 соатдан 5-6 соатга узайтирилди. Аммо бу юқори савиядаги кўрсатувлар тайёрлаш йўлга қўйилди, дегани эмас. Гарчи телевидениеда кўплаб иқтидорли журналистлар ишлашса-да, асосий техника воситаларининг эскилиги, замонавий телекамера, компьютерларнинг танқислиги иш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

...Одамлар дунё янгиликларидан кўпроқ телевидение орқали бохабар бўлишади. Ушбу эҳтиёжни қондириш мақсадида Қорақалпоғистон телевидениесида "Хабар", "Янгиликлар", "Новости", "Дунё янгиликлари" каби дастурлар эфирга узатиляпти. "Дунё, ўақыт, ўақыялар" номли дастур эса 2000 йилнинг охирига қадар берилган. Кўрсатувларни синчиклаб кузатсак, табиийки, баъзи камчиликларга ҳам дуч келамиз. Масалан, "Хабар" дастурининг 2000 йил 21 ноябрь сонида Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесида бўлиб ўтган мажлис ҳақидаги расмий хабар берилди. 6 дақиқалик мазкур хабарда мухбирнинг ахборот етказишда маҳорати етишмаслиги кўриниб қолди. Мухбир жуда секин гапирди ва давомий тўхталишларга йўл қўйди. Бизнингча хабар жуда-жуда қуруқ чиқди. Йиғилиш сўнгида иштирокчилар фикри берилса айни муддао бўларди. Шунингдек, матн ўқишда ҳам муаллифлар ортиқча эзмаликка йўл қўйишаётгандек. Бу эса табиийки, томошабинларни зериктиради.

Дастурда режиссёр ва операторнинг иши мақтовга лойиқ эмас. Кўрсатилган кадрлар фақат мажлис залидангина олинган. Ваҳоланки, бу билан чекланиб қолмаслик керак. Хуллас, ушбу дастурда учлик — муаллиф, муҳаррир, режиссёр ҳамкорлигининг қониқарсиз натижасини кузатиш мумкин.

Афсуски, ахборот дастурларида спорт хабарлари деярли ёритилмайди. Бошқа кўрсатувларда ҳам эски қолипдаги, томошабинларни зериктирадиган лавҳалар берилиши ачинарлидир.

Замонавий техникалардан фойдаланиш, маҳоратли тележурналистларни ишга жалб этиш орқали телевидение фаолиятини анча жонлантирса бўлади. Бунинг учун қорақалпоғистонлик ҳамкасбларимиз астойдил изланишлари зарур.

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
ЎзМУ журналистика факультети магистранти

ТАҲРИРИЯТДАН: Айтиш мумкинки, муаллифимиз кўтариб чиққан мавзу қорақалпоғу ўзбек телевидениечиларининг олдида турган (таъбир жоиз бўлса) азалий ва навқирон муаммодир. Демакки, бу мавзу ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ амалий ишга ўтиш даври келганини, афсуски, яна бир бор такрорлайлик...

Арафа

"НАВРЎЗИ ОЛАМ" ТАВСИФИ

"ОНАҚУТ" ҲАЙКАЛИ ҚЎЛИДАГИ МЎЪЖИЗА

Ҳар қандай урф-одат, маросим-байрамлар тарихига назар солар эканмиз, улар халқнинг узоқ турмуш тажрибаларининг қуйма хулосалари эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Наврўз — Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари қадимдан нишонлаб келадиган ана шундай анъанавий баҳор байрамидир. У баҳорги кун ва тун тенглиги, яъни 21-22 март кунлари бошланиб, 25 мартга қадар давом этган.

"Наврўз" майдонига маълум сабабларга кўра келолмаган одамлар ва қўшни қишлоқлар ҳам, бу тўхтовсиз улама-улама қарнай-сурнай овозларини эшитиб, бир-бирларини Наврўз билан табриклаганлар.

Эрамиздан олдинги 6 асрда яшаб ўтган грек олими Пифагор ўзининг теоремасини яратган ва бу теоремани бугунги кунда ҳам дунёда ҳозирги авлод геометрия фанидан ўқиб, "Пифагор теоремаси" деб ёд олишади. Ваҳоланки, теоремадан келиб чиқиб чизиладиган чизма 4 асрдаёқ олимларимиз томонидан "Онақут" ҳайкали орқали исбот қилинган экан.



Наврўз келганини қандай қилиб аниқлаганлар? деган табиий савол туғилади.

Наврўз байрами ўтказилаётган майдон ўртасига "Онақут" ҳайкали ўрнатилган. ("Онақут"нинг маъноси она туфайли ҳаёт қут-баракали бўлсин, деганидир). Ҳайкалнинг кўриниши шундай: аёлнинг ўнг қўлида ликобчада ундирилган буғдой, чап қўли бўлса, ўнг қўлга қараганда тикка ва баландроқ кўтарилиб, кафтида "яшин" тоши ушлатилгандир.

1975 йилда Хоразм атрофида археологлар томонидан бўйи 2,5 метрлик "Онақут" ҳайкали топилган. Ҳайкал бир неча бўлакларга бўлиниб кетганлиги сабабли уни тиклай олмаганлар. Бу ҳайкал эрамиздан олдинги 7 асрга тааллуқли деб тахмин қилинган. 1980 йил охирига келиб, яна шу Хоразмда археологлар томонидан "Онақут" ҳайкалининг 40-45 см баландликда яратилган нусхаси топилган ва бу ҳайкалча эрамиздан олдинги 4 асрга қарашли деб айтилган.

"Онақут" ҳайкали жануб ёки ғарбга қараб туришини олимларимиз шундай ҳисоб-китоб қилганларки, баҳорги кун ва тун тенглиги тўғри келган вақтда қуёш нурининг иссиқлик даражаси кучайиб кетар экан. Қуёшнинг нури шу "Онақут" ҳайкалига, унинг чап қўлидаги илоҳий кучга эга бўлган "яшин" тошига тушиб, бу нур тош орқали кесиб ўтиб, ерга тушади. Ҳайкални ўрнатиш вақтида олимларимиз ниҳоятда тўғри ва аниқ ҳисоб-китоб қилганлар. Ерга ярим ой шаклида, ҳайкалнинг атрофига қуруқ сомон ташлаб чиқилган. Яшин тошини кесиб, ерга, ерда ётган сомонга тушган қуёшнинг иссиқ нуридан сомон ёниб кетган, ёнаётган сомонни кўрган халқ шу заҳоти карнай-сурнайларини бир неча дақиқа тўхтамай чалганлар.

БИЗДА ҚОРБОБО ЭМАС, "ЯШИЛ МОМО" БЎЛГАН

Наврўз байрамида болаларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Кўргазма ташкил қилинган. Эркаклар лойдан қилинган ҳайкал, идиш-товоқ ёки ўймакорлик, махсидўзлик ишларидан намуналар, қизлар эса ўзлари тиккан дўппи, кашта, жияк каби нарсалар билан бу кўргазмада қатнашган. Бу оддий кўргазма эмас, балки ўйин-кулги, топишмоқ, ким чаққон ўйинлари билан ўтадиган болаларнинг энг севимли байрам ўйинлари ҳисобланган. Бу ўйинга ёши каттароқ аёл сайланган, бу аёлни кўкат ва гуллар билан безаганлар ва бу аёлнинг исми "Яшил момо" бўлиб, болаларга хурсандчиликлар улашган. Бу ўйинларда қатнашган ҳар болага кўргазмага қўйилган ижод совғаларидан улашилган. Бизда Қорбобо эмас — "Яшил момо" бўлган, Янги йил қишда эмас, баҳор ойида кутиб олинган ва нишонланган. Майдонга ўрнатилган арча дарахти ижод намуналари билан безатилган.

"НАВРЎЗ ОШИ" ЁКИ "ГЎЖА ОШИ"

Ўзбекистонда илгари кенг тарқалган ва Наврўз билан боғлиқ маросимлардан яна бири "Наврўз оши" ёки "Йил боши — гўжа оши" деб аталган. Бу таом хонадонлардан ихтиёрий равишда йиғилган ҳар хил тоамларнинг йиғмаси бўлиб, ким нима пиширган бўлса, шу таомни "Наврўз оши" тайёрланадиган катта қозонга олиб бориб солганлар.

Ушбу таомни тайёрлашга ҳам бир одам тайинланган. Таом келтириб, катта қозонга қўшишдан аввал эгаси таом ҳалол эканини кўрсатиш ниятида бир қошиқда татиб берган.

Умумий йиғилган мошхўрда, мастава каби (нўхат, жўхори, гуруч, мош, дон)лардан тайёрланган таомлар катта қозонда яхшилаб аралаштирилиб, яна бироз пиширилади. Наврўз арафасида қишлоқ аҳли майдонга йиғилган, ҳар ким ўзининг қошиқ-товоғи билан келган. Даврада масжид имоми Қуръони каримдан оят ўқиб, Янги йилни баракали, серҳосил ва сермаҳсул келишини, мамлакат обод, тинч-осойишта бўлишини тилаб, фотиҳа қилган. Шундан кейин оқсоқоллар рухсати билан қозон очилиб, келганларга "Наврўз оши" тарқатилган. Таом ўша ернинг ўзида истеъмол қилинган.

Наврўз 3 минг йиллардан бери яшаб келаётган экан, демак, у инсониятга керак. Демак, у инсонни табиатнинг мустақиллигига ва эзгулигига, орзуларнинг дахлсизлигига, озодлигига ишонтирувчи манба сифатида зарурдир.

Азиз БОБОЖОНОВ



Сабоқ

ЎҚИЛАДИГАН ҚИЛИБ ЁЗАЙЛИК

Кейинги уч-тўрт йил мобайнида ён дафтаримга туширилган сўзларни кўздан кечирсам, ижодий жараёнда ҳисобга оладиган анча-мунча фикрлар тўпланибди. Турли йиғинларда, кузатишлар натижасида битилган бу гаплар бошқаларга ҳам наф келтирар деган мулоҳазада "Ҳуррият" орқали ҳамкасбларимга тақдим этишни маъқул кўрдим.

Журналистика ўзини қийнаган одам учун осон.

* * *

Ортиқча тафсилотлар, юзаки таҳлилларга не ҳожат? Ўқувчи психологиясидан келиб чиқиб ёзиш керак.

* * *

Масалага чуқурроқ бориш учун фикр ихчамлашиши зарур.

* * *

Янги йилга янгилик керак.

* * *

Ўзи ишлаб кетадиган тизим зарур. Бирор ишни қилиш учун тепадан кўрсатма бўлиши шартми?!

* * *

Мудроқ уйқу ҳаммамизнинг кўзимизни очирмаяпти.

* * *

Ёрдам кўрсатилаётган жой аниқ бўлса, кўрсатиш керак. Фақат бозор талаблари асосида.

* * *

Маҳалланинг аҳволини кўриб ўйланиб қоласиз, ажабо, бу ерда мусулмонлар яшашадими? Яхшиям, телевизорда кўрсатди, бўлмаса ҳеч ким ишонмасди.

* * *

Одамлар ҳокимиятга эмас, судга бора бошласа, жамиятда адолат барқарор бўлганидан нишона. Қонунлар халқнинг турмуш тарзига айланса, ниятимизга эришамиз.

* * *

Шахс камолотини унинг ўз интилиши белгилайди.

* * *

Кимнинг билими бўлса, танқидий-таҳлилий мақола ёзишга маънавий ҳақи бор. Энг ёмон одат — ақл ўргатиш. Хулосани одамлар чиқарсин.

* * *

Қоронғи жойга ёруғлик олиб кириш қўлингиздан келадими?

* * *

Сўзга чиқувчилар гапларини айта олсин, тингловчи зерикмасин.

* * *

Ўқиладиган қилиб ёзайлик.

* * *

Назария — бу ҳали мақола эмас.

* * *

Мухбир мажлисдан кўра кўчадан кўпроқ мавзу олади.

* * *

Табиатга интилган одам ёвуз ниятлардан узоқлашади.

* * *

"Жиз" этиб юракка тегадиган, "оҳ" дейдиган гапдан гапиринг.

* * *

Шундай ёзингки, далада ишлаётган энг оддий деҳқон ҳам гап нимадалигини тушунсин.

* * *

Сиёсат — бу бир-бири билан чамбарчас боғланган изчил дастур. Битта чиқиш сиёсат эмас.

* * *

Шукр, ер ости, ер усти бойликларимиз мўл. Лекин улар маънавий бойлик олдида ҳеч нарса эмас. Халқнинг қудратига баҳо беришда аввало интеллектуал бойлик ҳисобга олинади.

* * *

Камчиликларнинг томирини ижобий нигоҳ билан очиш қўлингиздан келадими?

* * *

Дуо икки томонлама савобга ўтади.

* * *

Ҳайрият, раислик қилувчи "Ўтиринг" деган сўзни ўзбекча айтди.

* * *

Мевали дарахтни ҳамма келиб бир силкитиб кетаркан.

* * *

Қонун кучи етмаган жойда қалам билан таъсир қилиш мумкин.

* * *

Инсофга чақиришнинг ҳам чегараси бор.

* * *

Текисчилик — бозор иқтисодиётига нисбатан хиёнат.

* * *

Майли, нима қилсангиз қилинг, лекин ислоҳотларни обрўсизлантирманг.

* * *

Ёзаётган сўзларингиз — тарих. Тарихни сохталаштириш — гуноҳ.

* * *

"Чатоқ" дегани ёмондан ҳам ёмон дегани.

* * *

Деҳқон — даланинг ҳокими. Қолганлар унга хизмат қилиши керак. Айримлар буни аксинча тушунишади.

* * *

Қачон бу ташкилотнинг тиши чиқади?

* * *

Бақир-чақир билан бир туп дарахт кўкариб қолмайди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ

GLOBUS international life

Таклиф

ХОТИРА ТАХТАСИ КЕРАК

Жаҳон ОАВлари берган хабарларга кўра, Лондондаги машҳур “Уэмбли” стадиони негадир бузиб ташланадиган бўлди, 2000 йил 7 октябрь куни бу ўйингоҳда охирги расмий ўйин ўтказилиб, бунда майдон эгалари Германия терма жамоасига 0:1 ҳисобида ютқазишди. Бу ҳол Альбион фарзандлари томонидан барча воситалар жалб қилинган ҳолда спорт тарихи саҳифаларига абадий муҳрланди. Шундан кейин 2000 йил 27 декабрь куни “футбол қироли” Пеле Лондонга махсус таклиф билан олиб келинди. “Уэмбли” яшил майдонида у 1966 йилда айнан “Уэмбли”да жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган, Англия терма жамоасининг афсонавий дарвозабони Гордон Бенкс қўриқловида бўлган дарвозага, гарчи ҳеч қандай ўйин ўтказилмаётган бўлса-да, 11 метрлик белгидан рамзий маънода “Уэмбли” тарихидаги охирги голни киритди, бу ҳам тарих саҳифаларига муҳрланди...

Кириб келган янги асримизда ҳам, кейинги асрларда ҳам “Уэмбли” ҳақида, унинг яшил майсаларида тўп сурган улуғ ва бетакрор санъаткорлар, яъни футбол ўйинини санъат даражасига кўтара олган Пеле, Яшин, Б.Чарльтон, Эйсебио, Беккенбауэр ва бошқалар ҳақида кўп нарсалар айтилади, ёзилади ва кўрсатилади...

Тошкентдаги “Спартак” ўйингоҳи ва “Алпомиш” спорт саройлари, гарчи буларда жаҳон чемпионатлари каби мусобақалар ўтказилмаган бўлса-да, республикамиз спорт мухлислари учун ниҳоятда қадрли спорт иншоотлари эди. Бу ўринда 1956 йилда Мельбурн олимпиадаси чемпионлари бўлиб қайтган собиқ СССР футбол терма жамоасининг “яшил қитъа”га кетаётиб, “Спартак”да тайёргарлик ўйинлари ўтказганини, ўйингоҳга Л.И.Яшин, Э.А.Стрельцов каби “юлдузлар” оёғи текканлигини, Ўзбекистон футболининг фахри бўлган Л.Мақсудов, И.Тазетдинов, А.Азизхўжаев, Г.Красницкий, Б.Абдураимов ва бошқалар ўз маҳоратларини айнан шу ўйингоҳда камолга етказганликларини, “Алпомиш”да эса 1971 йилнинг баҳорида ўтказилган “Тошкент музи — 71” турнирида иштирок этган хоккейчилар орасида спортдаги довруғи Пеленикидан кам бўлмаган Валерий Харламовнинг, жаҳон хоккейининг “гроссмейстер”лари В.Третьяк, В.Старшинов, В.Шадрин, В.Шалимов, А.Мартинюкнинг бўлганлигини, Ўзбекистоннинг дастлабки ўз хоккейчилари — И.Каримов, Ш.Каримов, А.Суворовнинг, дастлабки конькида фигурали учувчиларимизнинг айнан “Алпомиш” бағрида етишиб чиққанликларини эслаб ўтиш кифоя...

Биз “Спартак” ва “Алпомиш” билан британияликлар ўз “Уэмбли”си билан хайрлашганлари каби дурустроқ “хайр-хўш” қила олмаган бўлсак-да, машҳур кишиларимиз номларини абадийлаштирганимиз сингари, бу икки машҳур иншоот номларини ҳам абадийлаштириб, бундан буён доимо хотирлаб юриш имкониятига эгамиз: Бунинг учун “Чорсу” шоҳбекати ва “Ўзсавдомарказ” биноларида бирор кўринарли жой топиб, кичикроқ бўлса-да, хотира тахтачаси ўрнатиб, “Бу ерда фалон йилдан фалон йилгача фалон спорт иншооти бўлган, фалончи фалончи каби спортчилар бу ерда ўйнаганлар”га ўхшаш ёзув битиб қўйилса бас. Менимча бу ишнинг моддий томондан ҳам унчалик қийин жойи йўқ...

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
Тошкент шаҳри

Ҳамкорлик

ЖУРНАЛИСТ ВА СИЁСАТЧИ ҲАМКОРЛИГИ

жамият тараққиётига кўмаклашади, — дейди Япония Миллий Матбуот клуби Бош бошқарувчиси Ҳарумичи Ивасаки

Анвойи гул ва дарахтлар чирой бериб турган Ҳибия хиёбони Токионинг файзли масканларидан бири. Унинг бағрида доимо ғайрати жисмига сиғмаётган шўх болакайлар, фарзандини сайрга олиб чиққан ота-оналар, боғдаги қуёш соатига ёхуд ўйноқи фаввораға ўйчан боқиб турган кексаларни кўплаб учратасиз.

Мен ҳам хиёбоннинг шундоқ ёнгинасида жойлашган муҳташам “Тейкоку” меҳмонхонасининг баланд қаватидаги хона деразасидан гоҳ кундузи, гоҳ оқшомда Ҳибияни узоқ кузатдим. Айтишларича, бир замонлар денгиз соҳили ана шу хиёбон ўрнида бўлган экан. Унга боқарканман, тараққиёт суратларига мос равишда юксалган бинолар қуршовида қолган инсонларга табиатнинг бу мўъжаз ва гўзал парчаси нечоғлик тансиқ эканини ҳис этдим. Учрашувлардан бўшаганимизда гоҳида хиёбондаги ўриндиққа ўтириб, япон шоирлари шеърларининг бош қаҳрамонларидан бири - тинимсиз чинқираётган чирилдоқларнинг “хониш”ларини тингладим. “Қарғалар ҳужумидан эҳтиёт бўлинг”, деган огоҳлантирувчи белгидан дастлаб табассумга мойиллик туйган бўлсам, Басё “қиш туни” деб таъриф берган қушнинг важоҳатига гувоҳ бўлгач, белгилар бежизга қўйилмаганини билдим. Буларнинг барчаси Япония, унинг табиати, халқи, маданияти ҳақидаги тасаввурларимни тўлдириб борарди.

Кунчиқар юртга сафардан бош мақсадлардан бири – Япония Миллий матбуот клуби фаолияти билан чуқурроқ танишиш эди. Мезбонларимиз тузган дастурга асосан 31 август куни Япония Миллий матбуот клубига ташриф буюрдик. Менга суратлардан таниш бўлган клубнинг муҳташам биноси ҳам Ҳибия хиёбонига қарийб туташиб кетган. Унга боқар эканман, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳам мамлакатимиз демократияси механизмининг бир бўлаги сифатида мана шу муассаса тажрибасига таянганини эсладим. Зеро, 1996 йилда жаҳондаги етакчи давлатлардан АҚШ, Буюк Британия биробарида Япониянинг шарқона тажрибалари ҳам Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази ишини ташкил этишда қўл келган эди.

Ниҳоят, мамлакатимизда мустақилликнинг 9 йиллиги нишонланаётган кун ҳам етиб келди. Япония Миллий матбуот клуби Бош бошқарувчиси Ҳарумичи Ивасаки учрашувимиз аввалида бизни қутлуғ байрам билан қутлади. Сўнгра у бизга Япония Миллий матбуот клуби тарихи, унинг мақсад ва вазифалари хусусида сўзлади.

Япония Миллий Матбуот клуби 1969 йилда ташкил этилган. Икки йил муқаддам унинг 30 йиллик юбилейи нишонланган. Айни пайтда 3000 дан зиёд аъзоси бўлган клуб ўтган йиллар давомида Япония демократияси тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

Бу масканга Япония императори ва унинг рафиқаси ҳам ташриф буюрган. Хорижликлардан 1974 йилда Америка Қўшма штатларининг амалдаги президенти Жеральд Форд матбуот анжумани ўтказган. Япония Миллий матбуот клуби бошқа мамлакатларда ижобий анъаналар қўлланилишини бошлаб берган муассаса ҳамдир. 1977 йилда Хитой раҳбари Ден Сяопин Японияга ташриф чоғида биринчи бор европача услубда Япония Миллий Матбуот марказида матбуот конференцияси ўтказди. Шундан сўнг у юртига қайтгач, Хитойда ҳам бундай матбуот конференцияларини мунтазам равишда ўтказа бошлади. Дунёдаги кўплаб сиёсат арбоблари айни пайтгача клуб журналистлари меҳмони бўлдилар.

Жаноб Ҳ.Ивасаки Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияга расмий ташриф чоғида 1994 йил 18 май куни шу ерда матбуот анжумани ўтказганини ҳам мамнуният билан эслади. Бу ташриф нафақат япон жамоатчилиги, балки хорижлик журналистларда ҳам Ўзбекистон ва унинг етакчиси ҳақида ижобий фикр уйғотганини айтди. Орадан 2 йил ўтгач, Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳам 1996 йилнинг 16 декабрида Япония Миллий матбуот клубида журналистлар учун матбуот анжумани ўтказган.

- Ҳадемай Хитой Бош вазири Японияга 3 кунлик расмий ташриф буюради. Биз айни пайтда ана шу матбуот анжуманига тайёргарлик кўряпмиз, — дейди жаноб Ҳ.Ивасаки.

- Одатда давлат ва ҳукумат раҳбарлари ташрифлари дастури анча илгари тузилади ва унга протокол бўйича қатъий амал қилинади. Айтинг-чи, Сиз Матбуот клубида конференция уюштирилиши учун дастлаб Япония Ташқи ишлар вазирлиги билан келишасизми ёки хорижий дипломатия вакиллари биланми?

- Тўғри айтдингиз, матбуот конференцияси ташриф кунлари давомида шунчаки уюштирилиб юбориладиган тадбир эмас. Биз матбуот конференцияларини ўтказишга анча аввалдан тайёрланамиз. Бирор сиёсатчи ёхуд давлат арбоби ташрифига ҳаракат бошланганини сезганимизданоқ ўша мамлакат элчихонаси матбуот атташесига мурожаат қилиб, журналистлар учун ўтказиладиган матбуот конференциясини ташриф дастурига киритишга розилик сўраймиз. У ўз мамлакати билан бу масалани мувофиқлаштириб, розилик олингач, Япония Ташқи ишлар вазирлигига маълум қиламиз. Матбуот конференциясини ўтказиш ана шу тахлит ташриф дастурига киритилади.

- Ниппон пресс билдинг - Япония Матбуот уйининг бир қаватида Хорижий Матбуот маркази (FPC) ҳам жойлашган. Айтинг-чи, Миллий матбуот клуби Хорижий матбуот маркази билан фаолиятда нималарда фарқ қилади?

- Аввало, биз нодавлат, FPC давлатга алоқадор ташкилот. Бизнинг йиллик бюджетимиз 460 миллион йен бўлиб, барчаси аъзолик бадалларидан иборат. FPC давлат бюджетидан 800 миллион йен маблағ олиб фаолият юритади. Биз клубга аъзо бўлган журналистларга матбуот конференциялари орқали бевосита ахборот олишга кўмаклашсак, Хорижий матбуот маркази асосан хорижлик журналистларга хизматлар кўрсатади. Гоҳида ҳукумат раҳбарларининг нутқларини уларга текин тарқатади, турли шаҳарларимизга хизмат сафарлари уюштиради. Бироқ FPCда аъзолик йўқ.

Эътиборингиз учун, Вашингтонда ҳам Хорижий матбуот маркази йўқ. Миллий Матбуот клуби бор.

- Ҳа, Президентимизнинг АҚШга амалий сафарлари чоғида 1996 йилда мен ҳам бу клубда бўлиб ўтган матбуот конференциясида қатнашган эдим.

- Агар эътибор қилган бўлсангиз, АҚШ Миллий матбуот клубида барча аъзолар алоҳида шахслардир. Биз Япония Миллий матбуот клубини ташкил этаётган кезларимизда АҚШ тажрибасини ўрганганмиз. Бироқ, у бизга унча ҳам тўғри келмади. Нега деганда у пайтлар бизда журналистлар ниҳоятда кам маош олишарди. Индивидуал аъзолик бадаллари журналистларимизга оғирлик қиларди. Бино сотиб олишга ҳатто таҳририятларнинг ҳам қурби етмасди. Шу боис биз нафақат алоҳида журналистлар, балки корпоратив, ҳомий аъзолик каби бир неча категорияларни жорий этдик.

Сиз Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳам ўз қошида клуб ташкил этиб, аъзоликни жорий этиш ниятида эканини айтдингиз. Сизга қайси йўл маъқул эканини мамлакатингиздаги шароитдан, кўзланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳал этиш керак, деб ўйлайман. Мана, масалан, Корея Матбуот марказини олайлик. У Сеулдаги 20 қаватли бинода жойлашган. Шунақанги ажойиб биноки, ҳеч қандай таҳририят уни қуролмаса керак. Шу боис давлат томонидан қурилиб, журналистларга берилган. Корея сиёсатчилари мамлакатда демократияни кучайтириш заруратини сезиб, ҳам тараққиётнинг Корея модели афзалликларини кўрсатиш учун Матбуот марказини шундай муҳташам қилиб бунёд этдилар. Давлат компаниялари ва алоҳида шахслар уни ташкил этдилар. Уларга алоҳида журналистлар аъзо бўлиб кирганлар.

Японияда журналистлар клублари сони 50 дан зиёд. Ташқи ишлар вазирлиги қошида, Вазирлар Маҳкамасида, Бош вазир қароргоҳида ҳам, йирик сиёсий партиялар қошида ҳам турли клублар бор. Ташқи ишлар вазирлигидаги журналистлар клуби аъзолари вазирлик ходимларидан интервьюлар олишади, вазирлик уюштирган матбуот конференцияларида қатнашишади.

Бош вазир қароргоҳидаги журналистлар клубига 200 журналист аъзо бўлган. Бу ерда қарийб барча техник воситалардан фойдаланиш, ахборот олиш бепул. Фақат Бош вазир ва ҳукумат фаолиятини ёритсангиз бўлди. Шуни айтишим керакки, Япония журналистлари туну-кун ишлайдилар. Улар бир янгилик илинжида тинимсиз изланадилар.

Шу ўринда Япония журналистикасидаги ўзига хослик ҳақида ҳам гапириб ўтсам. Бу ўзига хослик айрим Ғарб давлатларида шахсий ҳаётга дахл қилиш деб баҳоланса эҳтимол. Масалан, бирор йирик ва таниқли сиёсатчи ўз уйига журналист бостириб кирганини ҳазм қилолмайди. Японияда эса муносабатлар бошқача шаклланган. Бирор давлат ёки сиёсат арбоби журналистни эрта тонгда ёки ишдан қайтганда остонада кўрса, уни бир пиёла кофега таклиф қилади. Саволларига жавоб беришдан қочмайди. Япония оғир тикланиш, ўтиш даврини бошдан кечираётган кезларида шаклланган журналист ва сиёсатчилар ўртасидаги бу муносабат мамлакатимизда кўп муаммоларнинг осон ечилишига сабаб бўлди, десам муболаға қилмайман. Зеро мамлакат учун мураккаб кезларда мақсадларни халқ аниқ тушуниши учун, адашмаслик, муаммоларни тезда аниқлаб, чоралар кўриш учун сиёсатчилар ва журналистларнинг яқинлиги жуда фойдали деган фикрдаман. Иккинчи жаҳон урушидан абгор бўлиб чиқилган, чор атроф вайроналардан иборат пайтлари бизнинг бу ижобий тажрибамиз жамиятда сиёсий кучлар ўртасида консенсус, муросани таъминлаб бергани билан қадрлидир.

Сиёсатчилар журналистлар ўзларидан кўра халққа яқинроқ эканлигини тушунган ва бундан унумли фойдаланган чоғларида сўзсиз ютуққа эга бўладилар.

- Япония Матбуот клубида матбуот анжуманлари, тақдимот маросимлари ҳар куни ўтказиладими? Унинг даврийлиги қандай?

- Ойида ўнга яқин тадбирлар бўлиб туради. Ҳар ҳолда журналистлар зерикиб қолишмайди.

Жаноб Ҳ.Ивасакидан Япония Миллий Матбуот клубига аъзолик турлари ва аъзолик бадаллари ҳақида ҳам тўлиқроқ маълумот олдик. Бу маълумотлар Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ишини хориж тажрибалари асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Амирқул КАРИМ
Тошкент—Токио—Тошкент

Қизиқ

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, Швеция дунёдаги энг кўп жиноят содир этиладиган мамлакатдир. Шундай бой ўлкада жиноятчилик бунчалик кўп бўлишига сабаб нимада экан, дейсизми? Швецияда спиртли ичимлик истеъмол қилиб, автомобил бошқарган кишилар ҳам жиноятчи сифатида рўйхатга олинар экан...

* * *

Қадимги Римда ҳаммомлар жуда кўп бўлган, чунки ер ости иссиқ сувлари мўл-кўл бўлганлиги сабабли ҳаммом қуришдан осон иш бўлмаган.

* * *

1906 йил апрель ойида чақирилган Россия Думасида қарсак чалиш тақиқланган.

* * *

Олмонияда “Айс вайн” (“муз шароби”) маркаси жуда машҳурдир. Ушбу шароб ҳаво бир неча даража совиган пайтда энди музлай бошлаган узумлардан тайёрланади.

* * *

Ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган чой ўсимлигининг бўйи тропик ўлкаларда 15 метргача етади.

* * *

Таиландда энг тансиқ таомларни қанақа идишда дастурхонга тортишларини биласизми?.. Йўқ, олтин, биллур идишларда эмас, балки оддийгина нилуфар гулининг япроқларида дастурхонга қўйишади.

* * *

Дунёда қабул қилинган қоидага кўра, маъруза қилаётган нотиқ учун энг зарур хислат нима эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Ҳар қандай мавзуда очиқчасига гапирган нотиққина ҳақиқий нотиқ, деб эътироф қилинади.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

Муаммо

ШЎР — МЎЛ, СУВ ЭСА...

Сувни бежиз зарга қиёслашмайди. Бу бебаҳо табиат бойлиги инсонларнинг ҳаёт манбаи, тириклик мезони ҳисобланади. Уни авайлаб-асраш, тежаб фойдаланиш, исроф бўлишига асло йўл қўймаслик эса биз инсонларнинг бурчимиздир. Шундай экан, ҳар томчиси олтинга баробар бўлган сувнинг қадрига етиб, иш тутмоқлик талаб этилади.

Айниқса, мамлакатимизнинг энг чекка ўлкаси — Қорақалпоғистонда сувнинг қадри жуда баланд. Йил сайин Орол ўз қирғоғидан чекиниб, ўлкада экологик қийин шароит туғилаётган бир пайтда Амударё сувининг ҳам озайиши яна бир муаммо. Кейинги йилларда ана шундай кескин вазият кузатиляпти. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сувдан оқилона фойдаланиш бўлими бошлиғи Кўшкинбой Бердиниёзов куюниб гапириб берди.

— Ўтган қишлоқ хўжалик йилида рўй берган сувнинг тақчиллиги Қорақалпоғистон шароитида суяги қотган деҳқонларни ҳам бироз ўйлантириб қўйди. Ҳар йилгига қараганда айни ёзги суғориш мавсумида сувнинг кам бўлиши зироатнинг пасайишига, айрим ҳолларда деҳқонларнинг меҳнати бесамар бўлишига олиб келди. Уруғлик ва минерал ўғитлар зое кетди.

Қорақалпоғистон Ревпубликаси бўйича 500 минг гектардан ортиқ майдонда суғориб деҳқончилик қилинади. Шундан асосий экин тури ҳисобланган пахта 125 минг гектарни, шоли 113 минг 500 гектарни ташкил этади. Қолган майдонларда ғалла, полиз-сабзавот ва бошқа экин турлари экилади. Бу майдондаги экинларни суғориш учун ёзги даврда 8 миллиард 380 миллион куб метр сув эҳтиёжи сезилади. Аммо сув захиралари ҳисобга олиниб, ўтган йили 6 миллиард 400 миллион куб метр сув ҳажми лимит қилиб белгиланган эди. Тилакка қарши, ёзги мавсумда атиги 2 миллиард 730 миллион куб метр сув олинди, холос. Бу бутун республика миқёсида ҳисоблаганда ажратилган лимитга нисбатан 42 фоизни ташкил этади. Энг аянчли аҳвол Тахтакўпир туманида — 18 фоиз, Чимбой, Қўнғирот ва Шуманай туманларида — 19 фоиз бўлиб қолди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 56 минг 36 гектар майдондаги ғўза экилгандан кейин кеч кузга қадар бирон марта ҳам сув ичмади, экилган шолининг 90 фоизи сувсизликдан нобуд бўлди. Бутун ёз бўйи вазирлигимиз томонидан “Амударё ҳавзаси сув хўжалиги” бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида, Туркманистоннинг “Туркманобод” вилоятида, Туямўйин сув омборида назорат ишлари олиб борилди. Айниқса, сувдан тежаб оқилона фойдаланиш устидан кучли текширув ўрнатилди. Ички сув йўллари — каналлар, ариқ-зовурларнинг аҳволи ўрганилди. Республикамизда мавжуд 23 минг 218 километр масофадаги каналлар, 19 минг 876 километр узунликдаги зовурнинг ҳар бир метри бирма-бир кўздан кечирилди. Ўтган йилнинг ўзида 440 километр канал, 165 километр зовур тозаланди.

Бизнинг шароитда 42,6 минг гектар кучли, 130,7 минг гектар ўрта ва 131 минг гектар кучсиз шўрланган ерда деҳқончилик қилинади. Ҳар йили кузги-қишки дала юмушларини амалга оширишда бу ерларда шўр ювиш учун 2 миллиард 111 миллион куб метр ҳажмдаги сув талаб этилади. Бу йил эса 1 миллиард 750 миллион куб метр сув лимити ажратилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг “2001 йил ҳосили учун ирригация ва мелиорация тармоқларини тозалаш, насос станциялари, гидротехник иншоотларни таъмирлаш, шўр ювиш бўйича тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида”ги (2000 йил 3 октябрдаги) қарорини жойларда бажариш учун астойдил меҳнат қилинмоқда. Декабрь, январь ва февраль ойларида сувнинг тақчиллиги бироз сезилди ва шўр ювиш ишларининг аксарияти баҳорга қолди. 2001 қишлоқ хўжалик йилида 204 минг гектар майдоннинг шўрини ювиш мўлжалланаяпти. Кунлар исиб, музлар эриб кетиши биланоқ бу ишларга суръат бағишланди.

Хўш, сув тақчиллиги сезилаётган шароитда ундан қандай тежаб фойдаланиш мумкин?! Ҳар бир тадбирнинг бесамар кетмаслиги учун, авваламбор, далалар яхшилаб текисланиши, кичкина бўлакларга ажратилиб суғорилиши лозим. Ана шундагина ҳар бир томчи сувдан мақсадга мувофиқ оқилона фойдалана оламиз. Энг муҳими, сувни қаровсиз қолдирмай, унинг зовурларга оқиб кетишига йўл қўймаслик, мўлжалланган сув билан имкон қадар кўпроқ ерни суғориш зарур. Буни деҳқонларимиз орасида кенг тарғиб қилаяпмиз, илғор тажрибаларни эса оммалаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Табиат бу йил ҳам қорақалпоғистонлик деҳқонларни яна бир бор синовдан ўтказадиганга ўхшайди. Буни чуқур ҳис қилган миришкорларимиз эрта баҳорданоқ пухта тараддудни бошлаб юборишди. Бу ёғига Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

“Ҳуррият” мухбири
А.ОРТИҚБОЕВ ёзиб олди.

Шахс

ОЛИМНИНГ ИККИ ДУНЁСИ

Ёхуд инсоният олдидаги масъулият

1962 йили термоядровий синовлар давомида параллел равишда яна бир синов режалаштирилаётган эди. Бу синов оқибатида миллионлаб киши қурбон бўлиши кутилаётганди. Сахаров ушбу техник нуқтаи назардан зарур бўлмаган такрорий синовларни тўхтатиш учун зўр бериб ҳаракат қилади.

У Хрушчевнинг олдига бориб, уни бу мудҳиш ва бемаъни фикрдан қайтармоқчи бўлганда, синов вақти 4 соат илгарига сурилиб, бомбали самолёт аллақачон ҳавога кўтарилгани аниқланади. “Ожизлик ҳисси мени қамраб олди, юзим билан столдаги қоғозларга чўкдим ва ҳўнграб йиғлаб юбордим. Ўша пайтдаги кечинмаларим менинг кейинги тақдиримга таъсирини ўтказмай қолмади”.

1963 йили Сахаров таклифи ва ташаббуси билан икки ядровий мамлакат (АҚШ—СССР) ўртасида синовларни ҳавода, сув устида ва сув остида ўтказмаслик шартномаси тузилди. Фақатгина ер тагидаги синовлар бундан мустасно эди. Сахаров ушбу шартнома имзоланишида иштирок этганидан фахрланарди.

1966 йили АҚШ СССРга ракетага қарши мудофаа тизимини чеклаш (қисқартириш) ҳақида музокаралар олиб боришни таклиф этади. Шўролар бу таклифни рад этишади. Эмишки, ҳужум қуролларини чеклаш, бу — тушунарли, аммо мудофаа масаласи, бу — ҳар бир давлатнинг ўз ички иши. Аммо узоқни кўра билувчи Сахаров юқорига қуйидаги мазмунда хат юборади: “Америкаликларни сўзида тутиш керак ва уларнинг таклифига рози бўлиш лозим, чунки мудофаа ракета ишлаб чиқаришдан 5-10 баравар қимматга тушади. Совет давлати иқтисодий жиҳатдан Американдан паст бўлганлиги сабабли мамлакат бунга чидаш беролмайди”. Аммо Сахаровнинг сўзларига эътибор қилишмади. Оқибатда рад жавобини олган Америка ўз мудофаасини зўр бериб тиклай бошлади. Совет давлати уни “қувлашга” тушди. Фақатгина 1973 йилда икки тараф ракетага қарши мудофаани чеклаш юзасидан музокаралар бошлади, чунки мудофаа тизими зўр бўлган давлат қўрқмасдан биринчи бўлиб атом зарбасини бериши мумкин эди-да! Шўролар буни ўз вақтида тушунишмади, англаб етишганда эса кеч бўлганди: 1973 йилга келиб, американиклар мудофаа тизими ҳар томонлама мукаммаллаштирилганди, ҳисоб.

1969 йилдан бошлаб Сахаров инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғуллана бошлади. Сахаров конкрет одамлар ҳуқуқларини ҳимоя қила бошлайди.У беайб жазоланаётган, судланаётган ҳурфикр инсонни кўрдими, дарров унинг ҳимоясига тушарди. Шундай қилиб, Сахаров конкрет кишилар ҳимояси учун 600 тача ҳужжат ёзади. Сахаров умрининг охиригача инсонларни ҳимоя қилиб ўтди. Албатта, Сахаровнинг биргина сўзи билан шўролар биронбир кишининг оғирини енгил қилмасди. Буни унинг ўзи ҳам тушунарди. Ғарбдан турли арбоблар келиб бирон-бир киши ҳимоясига туришарди. Мана бу реал ҳимоя эди. Аммо Ғарб кимни ҳимоя қилиш борасида Сахаров гапларига қулоқ тутарди.

1974 йили Сахаров Италиянинг “Чино дель Дука” мукофоти билан тақдирланади ва у сиёсий маҳбус (Шўро сиёсатидан норози бўлган ҳурфикр киши)лар оилаларига ёрдам фондини тузади. Биронбир киши ҳимояси учун Сахаров очлик эълон қилган кунлари ҳам кўп бўлиб турарди.

1975 йили Сахаровнинг тинчлик йўлида қилган хизматлари учун унга Нобель мукофоти топширилади. Аммо олимни чет элга чиқаришмайди: мукофотни Андрей Дмитриевичнинг рафиқаси Елена Георгиевна Боннэр олади, Нобель маърузасини ҳам у ўқийди.

Сахаров ўз ватанида туҳмату бўҳтонларга қолади (эмишки у сионист, Ғарб жосуси...), сиқувларга солинади. Лекин у ўз эзгу йўлидан қайтмайди.

1979 йили шўро ҳарбийлари Афғонистонга кириб келганда, бу босқинга очиқданочиқ қарши чиққан ягона шахс Сахаров эди, десак хато бўлмас.

1980 йили Сахаровни ҳеч қандай суд жараёнисиз қўлга олишиб, уни барча мукофотларидан мосуво қилишади ва Горький шаҳрига чиқариб юборишади. У ерда Сахаров физика билан шуғулланади, хотиралар ёзади, ёру биродарлар ва ўзи каби ҳурфикрлилар ҳимоясига чиқишлар уюштиришни давом эттиради, ўша давр тузуми камчиликларини қўрқмасдан танқид қилишдан тўхтамайди. Унинг рафиқаси Елена Георгиевна турмуш ўртоғининг хатларини манзилига жўнатар (Сахаровга бу тақиқланганди), маълумотларни эса улар ўз йўллари орқали ғарбликлардан олишарди. Аммо 1984 йили Елена Георгиевнани ҳам тутиб олишиб, суд қилишади ва бу аёлни ҳам Горький шаҳрига сургун қилишади. Эр-хотин буткул ташқи оламдан узиб қўйилади (ҳақиқий изоляция!). Бу ҳол 1986 йилгача давом этади, сўнг уларга Москвага қайтиш учун рухсат беришади. 1989 йили олимни Россиянинг 25-округидан депутатликка номзод этиб сайлашади. Тақдир ҳазилини қарангки, улар орасида Горький автозаводи ҳам бор эди. Сахаров депутат бўлади ва ўз вазифасига (ҳар доимгидек) шўнғиб кетади. Ўлимидан бир неча кун олдин у давлат конституциясининг янги лойиҳасини тузади, унинг саъй-ҳаракати билан шўро конституциясининг 6-моддаси (КПССнинг бошқарувчи ва йўналтирувчи ролини белгиловчи модда)ни бекор қилиш талаби билан огоҳлантирувчи сиёсий чиқиш уюштирилади.

Сахаров ҳақида гап борар экан, бир-бирига қарама-қарши икки киши ҳақида айтилаётгандек, гўё. Ҳикоямизнинг бошида ўз мамлакатининг қуролланиши билан боғлиқ масалалар ва физик муаммолар билан банд олим, хуллас, социалистик тузум кишиси кўз олдимизга келса (аммо шуни ҳам айтиш лозимки, Сахаров коммунист бўлмаган), унинг ўртароғига келиб, у умуман илгаригига ўхшамаган, ана шу тузумга тиш-тирноғигача қарши чиққан шахс гавдаланади. Бунга нима сабаб бўлди? Менинг фикримча, Сахаров катта, қудратли қурол яратди. Бу қурол ҳарбий тенгликни келтириб чиқаришга хизмат қилиши керак эди (бу ҳам тинчлик омили). Аммо у ана шу қуролни мутахассислар фикрига қулоқ тутмайдиган, калласига нима келса, шуни қиладиган, ҳатто гап нима ҳақида кетаётганини тушунмайдиган кимсалар қўлига топширди. Сахаров буни тушуниб етди. У мамлакати, қолаверса, бутун дунё аҳли тинчлиги олдида ўзини масъул деб ҳис этди. Ва мана шу масъулият уни “марказ”нинг буйруғига қараб иш юритадиган ювош олим ҳолатидан ҳурфикр инсон эркинлиги, ҳуқуқини ашаддий ҳимоя қилувчи ва мавжуд тузум сиёсатига қарши курашувчи шахсга айлантирди...

Жамшид САЪДИНОВ
тайёрлади

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ғайрат МИХЛИБОЕВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.00
Буюртма — Г-

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муносабат

ИНСОН ЭЗГУЛИК УЧУН ЯРАЛГАН

"Ўзбекистон овози"нинг кейинги икки сонида чоп этилган журналист Қўчқор Норқобилнинг "Ёвузликка йўл берма, одам!" сарлавҳали эссесини ўқиб чиқдим. Шунчаки ўқимадим, ҳаяжон билан, изтироб ила, келажакка умид билан мутолаа қилдим. Катта меҳнат қилибди касбдош иним. Ушбуни ёзиш мобайнида қанчалар тўлғанганлигини, ухлай олмай тортган руҳий азобларини, унинг ўзи айтмаса ҳам, худди кўриб тургандекман. Йўқ, йўқ, шунчаки кўриб турганим йўқ, балки у билан бирга ёндим, куйдим, тортдим азоб. Ўзи ёнмаган кимса ўзгаларни ёндира олмайди.

Уруш нима, у инсон бошига не кулфатларни келтириши мумкинлигини муаллиф кинолар кўриб, китоблар титкилаб тасаввурга эга бўлган эмас, бу мислсиз даҳшатни, инсонийлик учун энг қабиҳ гуноҳни, тубанликни у ўз кўзи билан кўрган, кўргангина эмас, ўша даҳшатли воқеалар гирдобида бўлган, шу боис уруш деган касофат унинг онгигагина эмас, бутун борлиғига, вужудига бир умрга ўчмас бўлиб ўрнашиб қолган. Ҳали ҳам, орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, ўша инсон деб аталмиш олий мавжудотни, тубанлик, ваҳшийлик даражасига туширган ўлдир-ўлдир, шаҳар ва қишлоқларни вайрон этувчи даҳшатли гумра-гумбирлари тунлари оромини бузаётган, тушларига кириб чўчитиб уйғотаётган бўлса ажаб эмас.

Алломалардан қайси бири айтган экан, дунёдаги энг улуғ мавжудот инсон, айни пайтда энг даҳшатлиси, бераҳми ҳам ўша инсон, деб. Бу фикрни муаллиф инсоният тарихидан, яқин ўтмишдан кўплаб мисоллар ёрдамида кўрсатиб берган. Яширмайман, эссенинг баъзи жойларини ўқиб туриб борлиғим сесканиб кетди.

"Сезаяпсизми, эшигимизни тақиллатмай, сездирмасдан ёвузлик кириб келяпти. У боламизнинг ақлу ҳушини ўғирлаб қўяяпти", дейди муаллиф жонсарак бўлиб. Бугун бир томчи, эртага бир томчи, индинга ва ундан кейин яна шундай — қарабсизки, фарзандимизда ҳаё, андиша, раҳм-шафқат деган тушунчалар ювилиб кетибди. Вақт ўтгач, оҳ-воҳ қилишнинг, чапак чалишнинг фойдаси бўлмайди. Ёшликдаги кўрган, ўқиган воқеа-ҳодисалар бамисоли тошга битилгандек бўлади, у ўчмайди, умр бўйи ўша тушунча, ўша таассурот қолади. Ўтган йили Чилонзорда ўн беш ёшли қиз фарзандли бўлибди. Кейинчалик аниқлашса, кўрадиган видеоси, ўқийдиган китоблари ана ўшанақалардан экан. Во дариғ!

Инсон эзгулик учун яралган. Инсонмисан — инсонлардек яшай бил, ўзинг учун эмас, агар шунга интилса, у ҳайвондан фарқ қилмасди, ўзгалар учун яша, эзгулик уруғини соч атрофингга, меҳрингни бер одамларга, сендан ўзгалар баҳра олсин. Ана шуни кўриш, ҳис этишдан ҳам ортиқроқ бахт йўқ инсон учун. Ана шу хислатларни тарбиялашда, туп қўйиб палак ёзишида яхши китобларнинг ўрни ўзгача. Инсонга меҳр уйғотадиган, уни камолотга етаклайдиган китоблардан нурафшон бўлсин хонадонингиз.

Қаҳрли одам бахтли бўла олмайди, эзгулик ундан юз ўгиради.

Ҳаёт қарама-қаршиликдан, ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги азалий ва абадий курашдан иборат эканлигини бирор зот инкор эта олмайди. Айтишларича, кишининг бир елкасида Раҳмон, бир елкасида шайтон жой олганмиш. Улардан қай бирига мойиллик билдирилса, инсон ўшанинг йўлига йўрғалармиш. Бу жумбоққа менинг ўз қарашим ҳам бор, у жуда оддий ва жўн бўлиб кўринса ҳам, қандайдир асоси борга ўхшайди. Мана, олайлик сиз боғбонсиз. Парваришлаётган дарахтларингизни мудом кўздан кечириб турасиз, бачки шохлар борми, тарвақайлаб кетган эркак новдалари борми, вақти-вақти билан дарахт танасини улардан жудо қилиб турасиз. Борди-ю, икки-уч йил шу юмуш амалга оширилмай қолса, мевали дарахтингиз ёввойилашиб кетади, оқибатда ҳосил чўғи ҳам, меванинг мазаси ҳам айнийди. Бу бир ўсимликда шундай. Инсон боласи ҳам шу каби менинг наздимда. Айтмоқчиманки, боланинг ҳар бир яхши ишини, хулқ-атворидаги ижобий томонларнинг ўсиб, улғайиши учун доимо уни рағбатлантирмоқ ва аксинча хуш келмайдиган қилиқларидан ўз вақтида уни усталик билан, лекин изчиллик ва қатъият билан қайтариб бормоқ даркор.

Ана шу айтилган мулоҳазаларнинг тасдиғи сифатида биз сўз юритаётган "Ёвузликка йўл берма, одам!" эссесини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У ҳажм жиҳатидан, газетага айримлар қўяётган талаблар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, каттагина эмас, балки жуда каттадир. Аммо киши ютоқиб ўқийди, ҳажми сира-сира малол келмайди. Муаллиф ҳаётдаги оғриқли муаммоларни кўтариб чиқиб, уни жамоатчилик ҳукмига ҳавола этганлиги жуда соз иш бўлган. У бизни огоҳ бўлишга даъват этмоқда.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ўтмиш

ФЕЛЬЕТОНЧИНИ СУДГА БЕРДИЛАР

Журналист айтаётган сўзига эҳтиёт бўлиши керак-лиги ҳақида ҳар "летучка"мизда бир гап бўлади. Муҳарририми Зиёд Исломович Есенбоев бу хусусда айниқса, қаттиққўлу-талабчан. Соҳиб-корнинг тоқ қайчиси, деҳқоннинг кетмони, сизнинг сўзингиз ўткир бўлиши керак. Нўноқ соҳибкор қайчини нотўғри ишлатса қўлини кесиб олади, уйқусираб турган деҳқон кетмонни мўлжалсиз урса оёғини чопиб олади. Сиз сўзни ўрнида ишлата олмасангиз нақд таҳririятни уятга қолдирасиз... Амал қиламизми-йўқми, ишқилиб ҳар куни ана шундай сўзлар бўлиб туради.

Чоршанба куни навбатдаги фельетон эълон қилинган эди (ҳафтада иккита фельетон эълон қилиниши шарт қилиб қўйилган эди). Пайшанба ўтиб, жума куни эрталаб унинг қаҳрамони М.Аббосов эшикни шарақлатиб очиб, важоҳат билан хонага кириб келди. Назармат ака, Носир Рихсиев, Салимжон Маҳкамов, ҳаммамиз бирга ўтирардик. Унинг важоҳатидан чўчиб тушиб, бир-биримиз билан зимдан кўз уриштириб олдик. М.Аббосов қаршимга келиб, бир даста газетани тап этказиб столга ташлади-да:

— Бу нима қилганинг?! — деди дағдағали бир оҳангда.

— Нима қилибман? — дедим гап нимадалигини билиб турсам ҳам.

— Нега ёздинг?

— Нега ёзмас эканман?

— Нега ёздинг деяпман?!

Қарасам, важоҳати хунук, тарсаки тортиб юборадигандек, шошилиб ўрнимдан турдим-да, ўзининг оҳангида:

— Нега ёзмас эканман, — дедим сўзимни дона-дона қилиб.

— Сен билан гаплашиб қўяман ҳозир.

— Мен ҳам гаплашавераман сиз билан.

— Нега мени худбин деб ёздинг?

— Худбинларни худбин деб аташади.

— Ҳозир тавба қилдим дейсан, кечирим сўрайсан.

— Тавба қилдим демайман.

Шу пайтда М.Аббосовга нисбатан худбин деган сўзни ишлатганим учун "Тавба қилдим", "Кечиринг" десам, эҳтимол эртасига бошланадиган жанжал, судлару райкомларга қатнашлар мутлақо бўлмасмиди?.. Лекин ҳом сут эмган бандамиз-да. Мен ўзимни ҳақ деб билганим учун "а" деса "б" деб туравердим. Тўғри-да, фельетончининг ҳам ўзига яраша ғурури бўлади. Муҳарририміз Зиёд Исломович фельетон чиққунга қадар, одатда, фельетон бўладиган одамнинг томонида бўлади. Сен ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўр, қариндошуруғлари, фарзандлари қай аҳволга тушади, ана шуни ҳам ўйлаб кўр, деб талаб қилар, келтирилган ҳужжатларни қайта-қайта текширтирар, қайси манбадан олинган бўлса, ўша ташкилотга шахсан ўзи кўпинча телефон қилиб, шикоятни асосли деб топиб, "Беш панжаси оғзида" фельетонини ёзган эдим. Фельетонда М.Аббосовга қўйидаги айблар қўйилган эди.

1. Ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ажратилган маблағдан партком, цех бошлиғи, директор М.Аббосов Чирчиқ дарёси бўйига боғ ҳовли қуриб олишган.

2. Боғ ҳовли қурилишида асосан завод ишчилари ишлаган, ҳақ завод ҳисобидан тўланган.

3. Директор ўзи яшаб келаётган катта ҳовлини халқ маорифи бўлимига етти баробар қийматига сотган.

4. Район коммунал хўжалик бўлимига бир неча йилдан буён уйсиз яшаяпман деб ариза ёзган ва кетма-кет икки марта уй олган.

Хуллас, ана шунга ўхшаш фактлардан ҳаммаси бўлиб тўққизтаси келтирилган.

Шундай қилиб мен "Тавба қилдим" демайман деб, тек туриб олдим. Бир-биримизга тикилишиб қолдик. М.Аббосов мендан 25 ёшлар чамаси катта, отам тенги одам, унга тик қарашим аслида одобдан ҳам эмас, лекин фактларни суриштиргани борганимда улкан гавдали, қориндор, бақбақалари кўксига осилиб тушган, хўмрайиброқ қараганда кишининг юрагини ўйнатиб юборадиган бу одам хийла таъзиримни берган эди. Коридорда ўтириб туринг, ўзим чақираман деди. Ўтирибман, ўтирибман, таклифдан ҳеч дарак йўқ. Охири зерикиб, эшикни бундай очиб қарасам, ҳовлига очиладиган яна бир эшик бор экан, ўша ердан чиқиб кетиб юборибди. Йиғламоқдан бери бўлдим. Эртасига яна эшиги олдида узоқ ўтирдим. Тўсатдан қулоғимга, э, бир мишиқи журналист келиб, бошимни қотиряпти, дея қаттиқ-қаттиқ гапиргани эшитилиб қолди. Ғурур шоҳ гадода бир хил бўлади. Ўшанда хўрлигим келгандек бўлувди. Ҳозир тиккама-тикка туришим, ҳеч паст келишни истамаётганлигимнинг сабаби эҳтимол шундандир.

— Редакторинг қаерда? — тишларини ғижирлатиб сўради М.Аббосов.

— Ўзининг хонасида.

— Қани олдимга туш, бирга кирамиз.

— Йўқ, мен чақирса кираман, — дейман важоҳатига қайсарлик қилиб.

М.Аббосов қандай шиддат билан кирган бўлса, яна ана шундай бир кайфиятда эшикни тарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Ўтирганлар анчагача бир-биримизга гап қўшолмадик. Назаримда ҳар биримиз бўлиб ўтган воқеани ўзимизча таҳлил қилиб, "мазасини шимимоқда" эдик.

Ниҳоят, ярим соатлардан сўнг мени Зиёд Исломовичнинг хонасига чақиришди. Кирсам, масъул котиб Султон Орипов, адабий котиб Акбар Алиев ҳам ўтирган экан. М.Аббосов менга бир тантанавор назар ташлаб қўйди.

— Бўлса, нега "худбин" деган сўзга тушунмайсиз, ахир бу бориб турган ҳақорат, хўрлик... Мана қоғоз, тушунтириш хати ёзасиз.

— Ёзмайман.

— Ёзмасангиз, масалангиз райком бюросига қўйилади.

Сўнгги гапига жавоб қайтармай қўяқолдим. Фойдаси йўқ. Ўша пайтларда партия билетини сотиб олиш аста-секин авж олиб бораётган эди. Бу йигитча ҳам ё бойвачча дадасининг пулига, ё бирон мўйловдор қариндошининг имосига ўтиб олган ва албатта, кеча кечқурун фельетончини чақириб, танобини тортиб қўясан дея топшириқ ҳам олган. М.Аббосов жуда катта пулни талон-тарож қилгани учун Ўзбекистон жиноят кодексининг 130-моддаси билан судланиши зарурлигини шу пайтда тушунтириб бўлармикин? Йўқ, икки дунёда ҳам тушунмайди, ҳали айтдим-ку, биз ўзи ҳом сут эмган бандамиз. Хато устига хато қилаверамиз. Ўртоқ, инструктор, чиндан ҳам хато қилганга ўхшайман, худбин деган сўзни ишлатганим учун ўртоқ М.Аббосовдан кечирим сўрайман деб ёзиб берсам, эҳтимол, эртасига бошланадиган судлашувлардан қутулган бўлармидим? Лекин ўшандай қилмадим. Ўзимнинг ҳақлигимга ишонганимдан, юқорида ҳуқуқ органлари, ОБХСС деган даҳшатли ташкилотлар бор, худо хоҳласа, улар тек турмайди, дея сўзимда қаттиқ туриб олдим.

Йўқ, унақа бўлмади.

Мени судга чақиришди.

Бордим.

Лекин М.Аббосов келмади. Ҳақорат қилганим учун оғир руҳий касалга чалиниб, ётиб қолган эмиш. Иккинчи шаҳар касалхонасидан справка жўнатибди. Судья аёл киши экан, инсофга келдими, М.Аббосов иштирок этмагунча жавоб бермайман деган сўзимни қонуний деб билиб, суд мажлисини бошламасликка қарор қилди.

Кейин ўртамизда мана бундай суҳбат ҳам бўлиб ўтди.

— Лекин тушунтириш хати ёзиб бериб кетасиз.

— Нега ёзар эканман?

— Сиз уни ҳақорат қилгансиз.

— Нима деб ҳақорат қилибман?

— "Худбин" деб атагансиз.

— Бу сўз ҳақорат эканлигини томонларнинг фикрини эшитмасдан туриб, сиз қаёқдан била қолдингиз?

— Наҳотки, ҳукмни олдиндан тайёрлаб қўйган бўлсангиз, ахир бу сизнинг қўлингиздаги қонунларга зид-ку.

Судья менга ғалати қараш қилди:

— Яхши, кетишингиз мумкин, навбатдаги чақирувга вақтида келинг.

Демак, олдиндан тайёрланган спектаклнинг яна бир кўриниши ўтди деб ўйладим. Навбатдаги кўринишларда эса қатнашчилар қуйидаги гуруҳларга бўлиниб олишди.

Ҳужумда: М.Аббосов, райком, суд идораси, ОБХСС капитани.

Ҳимояда: завод ишчилари, завод профсоюз ташкилоти, таҳririят ва мен.

Гоҳо томонлар ўз ўринларини алмаштириб ҳам оладилар. Ҳазилнамо қилиб айтадиган бўлсак, дарвозалар ҳам тез-тез алмашиниб туради. Ўртада коптокдек бориб келаётган нарса "ХУДБИН" деган сўз. Гоҳ у томон, гоҳ бу томон устун келади, орқага чекиниш йўқ. Ҳужум устига ҳужум бўлади.

Олти ой шу аҳволда давом этди.

Кейин тўсатдан, ҳамма нарса сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Суриштирсак... Қойил, М.Аббосовнинг "тадбиркорлиги"га тан бермай иложимиз йўқ.

Сейфдаги қалбаки ҳужжатлар ўт тегиб куйиб кетган эмиш, Чирчиқ бўйидаги боғ ҳовлилар бировлар номига ўтказилган эмиш. Узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари учун коммунист Муҳаммаджон Аббосовга "Ташаккурнома" эълон қилинибди. Гулистон шаҳридаги пахта тозалаш заводига директор бўлиб ишга ўтибди.

Ёз ойи эди. Бир танишимизникига тўйга бориб, тўсатдан ўртоқ М.Аббосовни кўриб қолдим. Мўътабар меҳмонлар учун махсус тузалган столда қанчадан-қанча ўзига ўхшаган мўътабар инсонлар даврасида ўтирибди. Бир неча марта кўз уриштириб олдик. Қизиқ, қарамай десам ҳам беихтиёр қарайвераман. Бир маҳал кўрсаткич бармоғини ликиллатиб мени имлай бошлади. Борайми, бормайми, йўқ, борганим яхши, қани нима дер экан, деб ўйладим.

— Ҳа йигитча, қалайсан, — деб сўради М.Аббосов.

— Яхшиман, — дедим.

— Ҳалиям ёзиб турибсанми?

Ёзиб турибман.

Энди фельетон ёзадиган бўлсанг, мен билан маслаҳатлашиб ёзгин, кимни ёзишни, қандай ёзишни ўргатиб қўяман, хўпми?

— Кўрамиз.

— Йўқ, тўхта. Ўшанда худбин деган сўзни менинг фойдамга айтган экансан, раҳмат сенга. Ўша сўзингни рўкач қилиб олиб, барча балолардан қутулиб олдим. Мелисасиниям, райкоминиям ана шу сўз билан уравердим, вақтдан ютдим, укажон, вақтдан. Кел ука, ўша сўзинг учун биргалашиб ичайлик...

Қизиқ, деб ўйлайман ўшандан буён. Фельетонни ёзишга ёзиб, М.Аббосовнинг бўйнига талайгина асосли айбни ҳам қўйибману, ундан қутулиб чиқиб кетадиган эшикни ҳам кенг очиб қўйган эканман. Ким билади, худбин деган сўзни ишлатмаганимда муаммо бошқачароқ ҳал бўлармиди?

Ҳудойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗИБ...

Қорачадан келган, қотма, ҳаракатчан, кўзлари чақнаб турган йигитча Попнинг Санг қишлоғидан Наманганга вилоят газетаси таҳririятига ишга келди. Уни мусаҳҳиҳ вазифасига қабул қилишди.

Ортиқали оғир меҳнат орасида ўз вазифасини бажаришдан ташқари ҳар бир мақолани синчковлик билан ўқир, унинг муаллифи билан суҳбатлашиб, баъзан баҳсга ҳам киришиб кетарди. Айни пайтда бўлимлардан топшириқ олиб материаллар ёзиб келар, ёзганлари равонлиги, воқеа-ҳодисаларга заковат билан муносабатда бўлиши, ўқишлилиги туфайли тезда газета саҳифаларидан жой оларди. Кўз ўнгимизда синчков, иқтидорли, ишчан журналист ўсиб борар эди.

Бунга ўттиз йилдан ошяпти. Ўтган давр Ортиқали қаламига умид билан кўз тикканларнинг ишончини оқлади. У олий ўқув даргоҳини битирди, туман, вилоят газеталарида қаламини чархлади. Тошкентга бориб "Туркистон" газетасида, "Саодат" журналида ишлади. Яна ўз қишлоғига қайтиб туман газетасида фаолиятини давом эттирди.

Республикамиз мустақилликка эришгач Ортиқалининг ижодий имкониятлари ёркинроқ намоён бўлди. У айниқса қишлоқда туғилиб ўсган, қишлоқ муаммоларини қалбан ҳис этадиган қаламкаш сифатида бу ердаги ислоҳотлар моҳиятини очишга, бу йўлдаги ғовларни фош этишга қаратилган чиқишлари билан мамлакатнинг фаол журналистларидан бири эканлигини кўрсата олди.

Кейинги йилларда Ортиқали "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг мухбири сифатида Фарғона водийсини кўп кезиб замондошларимиз руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришлар, қишлоқларимизнинг бугунги манзараси, меҳнат аҳлининг ўйлари ва интилишлари ҳақида кўплаб ўқишли очерк ва лавҳалар яратди.

Унинг бу газетада эълон қилинган "Мирзажоновлар йўли", "Ўзи ўзига сиғмаган одам" очеркларида илғор юртдошларимиз улуғланса, "Фарғона сабоқлари", "Деҳқон тракторни қаердан олади?", "Бувайдада нега қўшма корхона йўқ?", "Данғара довруғи тикланадими?", "Зах балосидан қутқаринг" каби танқидий мақолаларида олға кетишимизга халал бераётган муаммолар таҳлил этилган.

Унинг маънавият мавзуидаги "Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат" рукни остида эълон қилинган Ҳулкар Олимжонова билан "Баҳор келди сизни сўроқлаб", Наманган туманидаги "Ғайрат" ширкат хўжалиги раиса-си Фарида Аҳмедова билан "Данаги ҳам, мағзи ҳам ширин", республика "Маҳалла" жамғармаси раиси Шуҳрат Жалилов билан "Ватан маҳалладан бошланади", меҳнат фахрийси Маматхон Бобохонов билан "Кўрар кўзим, айтар сўзим бор" каби қатор дилкаш суҳбатлари, "Дўрмонда ушалган армон", "Мухлис", "Шоир нималдан нолир?", "Тўрақўрғонликлар", "Учқўрғонда офтоб кўринди", "Яхши ният ярим давлат", "Наманганнинг мавжли дарёси эди" каби ўнлаб мақоласи газетхонлар эътирофига сазовор бўлган.

Ортиқали Намозов номзоди "Офарин" танловига тавсия этилиши вилоятларда яшаб, ижод қилаётган қаламкашларга қаратилган эътиборнинг яна бир кўринишидир. Унинг бундай мукофотга сазовор бўлиши айни муддаодир.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Қор бўронининг зўридан Бухоронинг йўллари тақа-тақ ёпилиб қолганмиш

ТЎҒРИЛИККА ЧАҚИРУВЧИ АСАР

"Лафз" кинофильми намойишидан сўнг

"Офарин" танловига номзодлар

Бир ҳақиқатни такрорлаш фойдадан холи эмас: илгари киноасарларимиз албатта рус тилида ёзилиши ва фақат марказ "микроскоп"идан ўтгандан кейингина дунё юзини кўриши мумкин эди. Узбекистон киностудиясида халқимизнинг миллий урф-одатлари ва ўзбек тилини билмайдиган кишилар кининг тақдирини ҳал қилишарди. Улар миллий кадрларни студия остонасига яқин йўлатишмас, рахбарларимиз иқтидорли қаламкашларни киностудияга юборсалар ҳам, ўзини даҳо билувчи "кино мутахассислари" уларни бу соҳадан бездиришни яхши эплардилар. Фақат Кинематография институтини битирган кишиларгина у ерда ишлай олар, уларга ҳам албатта бирор "ҳаммуаллиф" қўшиларди...

Яқинда ТВ орқали икки бора намойиш этилган "Лафз" сериали ҳам шу сафга қўшилувчи муҳим асарлардан биридир.

Маълумки, ҳақиқий маданиятнинг вазифалари ҳар бир халқнинг тарихий ва эзгу орзулари билан боғланган бўлади. Чинакам санъат намунаси ҳеч қачон бундан четда туролмайди. Чунончи, у реакцияни ҳимоя қилолмайди, тарғиб ҳам қилмайди. У тараққиётга қарши восита бўлиши мумкин эмас. У халқ кўнглига демократик тамойилларни ўрнатиш учун курашади, бунга халқит бераётганларни суриб ташлаш учун фаол бўлишга ундайди. Ижтимоий ҳаётнинг илғор фикрларини қўллаб-қувватлайди, тарғиб қилади ва даврнинг жароҳатларию камчиликлари билан курашади. Шу туфайли бундай санъат илғор жараёнларнинг кўрсаткичи, давр катализатори бўлиб хизмат қилади. Бу йўлдаги ижодкорларнинг фикрлари бамисоли ерга сочилган дон кабидирки, келгусида ундан бой ҳосил униб чиқади.

"Лафз" фильмининг ижодкорлари — сценарий муаллифи Фарҳод Мусажон ва бош режиссёр Баҳодир Аҳмедов исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқатни яхши ҳис қилган ҳолда ҳамма замонларнинг муҳим муаммоси бўлмиш — тўғрилик ва эгрилик мавзуига бош урганлар. Ўтмиш ва бугуннинг бир-бирига алоқадор томонларини кўрсатиш учун каттагина иқтидорли бир жамоани ҳаққоният байроғи остига тўплаганлар.

Бир кўришда ва юзаки қараганда, "Лафз" сериали жуда содда, жўндай таассурот қолдиради. Аммо қайта-қайта кўрилса, борган сари унинг фазилатлари яққолроқ кўзга ташлана бошлайди.

Фильм қаҳрамонлари — маҳалладош ҳаммоллар Абутолиб (артист Аъзам Шокиржонов) ва Қосим (артист Саид Мухторов) "косаси оқармайдиган" касбларидан кечиб, "одам қатори яшаш" дардида шериклик асосида "ўзларини савдога урадилар". "Мен боқиб қўйган икки қўйимни сотаман, сен сигирингни сотасан", дейди Қосим касбдош дўстига. Топилган даромадни тенг бўлишажагини айтади. Абутолиб рози бўлиб, оиласининг даромад манбаи бўлган сигирини сотади. Қосим пулни олиб Арабистонга савдо қилгани кетади. Чиндан ҳам Қосим юртлараро савдодан тез орада бойийди. Сигирсиз қолган Абутолибнинг рўзғори эса чўккандан чўка бошлайди, чунки Қосим даромадни бўлишиш у ёқда турсин, сигирнинг пулини ҳам чиртинг-пиртинг қилиб қайтаради. Қосимнинг даромадни бўлишиш нияти йўқлигини пайқаган Абутолиб қозихонага арз қилишга мажбур бўлади, аммо шариат ҳукмларини, яъни бугунги тилимиз билан айтганда, қонунларни яхши билмагани боис у арз муҳокамасида ютқазади.

Фильм XIX аср воқеаларини акс эттирган, бироқ ундаги ҳар бир парчадан бугуннинг "иси" келиб туради. Айтайлик, фильмда ҳаммол: "Бизнинг ҳунарни бозори касод бўляпти. Арава сотиб олаётганларнинг сони кўпайиб кетди, бу дегани сен билан менга иш камайяпти, борабора ҳаммада арава бўлиб кетса, ҳаммол ҳеч кимга керак бўлмай қолади", дер экан, кўз ўнгимиздан бугунги бозорлар манзараси ўтади. Еки Абутолиб қозихонага арз қиларкан, бу учун қозихонага ҳақ тўланиши лозимлигини билмаслиги, Қосим билан даромадни бўлишиш борасидаги келишувлари ҳужжат қилинмаганлиги ва бу битишув устида гувоҳ ҳам бўлмаганлиги ҳақидаги манзаралар бугунги жамиятимизда кўпчилик фуқароларнинг адлиявий қонунларни билмаслигини эслатади. Қози билан Мирзонинг нозикдан-нозик пора ундириш усуллари ҳам давр дардларига ҳамоҳангдир. Кези келганда шуни айтиш лозимки, артист Аъзам Шокиржонов Абутолибнинг соддалиги ва омийлиги, аммо юраги тозалигини яхши, таъсирли ифодалай олган. Томошабин унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳаяжонланиб кузатади, у Абутолиб ролини ўйнаётган артист эканлигини бутунлай унутади, у билан бирга куюниб, бирга самарасиз курашади. Саид Мухторов ҳам Қосимнинг абжирлиги, ғайратчанлиги, ҳавасманд эр ва яхши, куюнчак оталиги, айни чоғда содда-муғамбир ва муттаҳамлигини аниқ ифодалай олган.

Умуман, сценарий муаллифи Фарҳод Мусажон (Б.Аҳмедов иштирокида) сериалнинг қизиқиб томоша қилинишини таъминловчи унсурлардан усталик билан фойдаланган. Асосий воқеа қурилмасининг пишиқлиги, халқчил, қочиримларга бой диалоглари, қаҳрамонлар табиатини очувчи чизгилари, ёшларнинг муҳаббатидаги самимият ва тозалик, лиризм ва пауза (сўзсиз, индамас ҳолатлар) усуллари орқали томошабин хаёлини қочирмай, эътибори ва қизиқишини маҳкам "тутиб туради".

Режиссёр Баҳодир Аҳмедов (Ф.Мусажон иштирокида)нинг кинотасвир учун танлаган объектлари, тасвир лаконизмини таъминлашда мусиқадан ўринли фойдаланиши (карвоннинг борди-келдиси), ҳадис ва насиҳат сўзларининг таъсирини йўқотмаслик учун, имкон борича, лўндаликка интилиши ва бошқа кўпдан-кўп топилдиқлари томошабинни рози қилади.

Фильмда кичик одамларнинг бошидаги катта муаммолар ўртага ташланган-у, масалаларнинг ечими берилмаган, воқеалар нима билан якунланганги кўрсатилмаган. Кўпчилик санъаткорлар асар яхшилик ғалабаси билан якунланишини маъқуллайдилар.

"Яхши бошловдингиз, яхши тугатинг", дейди Лермонтов.

"Севишганлар бир-бири билан топишсин", дейди Нозим Ҳикмат.

Тургенев, Диккенс романлари гўзал якунларга эга.

Халқ эртаклари яхшилик билан муродмақсадига етади.

Лекин дунёда ҳаёт ҳақиқати деган бошқача тушунча, санъатнинг ўзгача йўналиши ҳам бор. Итальянларнинг "неореализм" деган услублари жаҳонда катта обрў қозонгани ҳам томошабинларга маълум. Балки шу йўсин, шу йўналишдаги бир уриниш намунаси сифатида бу сериални ҳам қутлаш лозимдир. Ҳар қалай "Лафз" фильми тозалик ва покликка, тўғриликка ундовчи янги асар сифатида таҳсин ва тақдирга лойиқ, деб ўйлайман.

Миразиз АЪЗАМ

Илҳом

ХОТИРА — БАҲОР



Н.МУҲАММАДЖОНОВ фотоси

Мозорлардан бошланар баҳор,
Гўё сўрар улардан изн.
Қудратини кўрсатар илк бор,
Мунғайган қабрга бахш этиб ҳусн.
Мозорлардан бошланар баҳор.

Йўл олдидан тин олар балки,
Мендай ўпар сағана тошин.
Балки у ҳам онажонига
Менинг каби тўкади ёшин.
Мозорлардан бошланар баҳор.

Навбаҳорнинг тўнғич боласи —
Қизғалдоқлар беради таскин.
Тирикликнинг гаштин ҳис этиб,
Кўнглим, бир зум ўзингни босгин.
Мозорлардан бошланар баҳор.

Бақо уйин кезиб хаёлчан,
Боисини изладим кўп бор.
Нечун ахир бўстонлар қолиб,
Қабристонда тутилар баҳор?
Мозорлардан бошланар баҳор?!

Охир аён бўлди бир маъни,
Ўз кашфидан ҳаприқди юрак.
Қабрданки ундими гуллар,
Ҳаёт сира сўнмайди демак.
Хотирадан бошланур баҳор!

Ҳалим КАРИМОВ

Азиз холажоним Комила!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Кўнглингиздаги барча эзгу ниятларингиз, орзу-истакларингиз амалга ошсин. Фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг. Аллоҳнинг ҳаёт аталмиш улуғ неъмати ҳамиша бошингизда соябон бўлсин. Беғубор, маъсума кўнглингизни умиднинг заррин зарралари ҳеч қачон тарк этмасин. Бугундайин таваллуд айёмларининг юзтасини нишонлаш сизга насиб этсин.

Жиянингиз РАЪНО